

Елена каршимда яраланган ганим каби газаб отига миниб турарди. У бермоқчи бўлган зарба хозирги ночор ахволимга қақшаткич мушт бўлиб тушарди. Ноилож қолгандим. Бундан олдин нажотбахш ўлимга кўз тиккан бўлсам, хозир олдимда ўлим ёки қайта тирилиш эмас, узил-кесил бутунлай йўқ бўлиб кетиш тажовуз қиларди. Аёлларга бунни тушунтириб ўтиришининг хожати йўқ, уларга амалда исботлаш керак.

Еленага яқинлашдим. Елкаларига кўлим тегиб, вужуди титраб-қақшаётганини хис этдим.

— Нима учун келдинг?

— Негалиги эсимдан чиқди, — дедим. —

Жуда очман, Элен. Кун бўйи оғзимга урвоқ ҳам олмадим.

Еленанинг ёнидаги нақшинкор италян столида кумуш югуртирилган рамкага солинган ноганиш эркак фотосуратига кўзим тушди.

— Бу сенга ҳали керакми? — деб сўрадим.

— Йўқ, — довдираб жавоб берди-да, суратни олиб, қутига солиб қўйди.

Шварц менга нигоҳини буриб, жилмайди.

— Ташлаб ҳам юбормади, йиртиб ҳам юбормади, хоҳлаган вақти олиб, жойига қўйиши мумкин. Нимагагини билмадим-у, ақли расолик билан килинган бу хатти-харакат мени ўзига асир этди. Беш йил бурун жанжал кўтарган бўлардим. Лекин хозир кичкинагина ходиса зумда вазиятни ўзгартирди. Биз сиёсатда баландпарвоз гапларга кўниб кетаверамиз, минг афсуски, фақат хиссиёт бобида эмас. Агар кўнганимизда, олам гулистон эди. Еле-

нанинг тоза французча ҳаракати зинҳор меҳр-муҳабати камайганидан шохидлик бермасди, бу аёлларга хос омилкорликдан далолат эди.

Бир марта мендан ихлоси қайтанди; нега энди менга ишониши керак экан? Уни сўроққа тутмадим. Ниманиям сўрадим?

Мен кулиб юбордим. У гарангсиб қолганди. Кейин юзи ёришиб, у ҳам жилмайди.

— Сен жилла курси мен билан ажрашган дирсан? — деб сўрадим.

Елена инкор маъносида бош чайқади.

— Йўқ. Аммо асло сени деб эмас. Оиламадагиларни бошлаб тузлаш мақсадида сен билан ажрашмадим.

V

— Ўша тунда деярли ухламадим, — сўз юри тарди Шварц. — Жуда толиққан бўлсам-да, бог-бот уйғониб кетардим. Биз ётган хужра ташқарисида каро тун ўз сепини ёйганди. Мен шитир-шитир товушларини эшитардим, кўзим илинган замон қочишга шай бўлиб иргиб туриб кетардим.

Елена уйғониб чироқни ёқди. Шарпалар йўқолди.

— Хеч нарса қилолмаяпман, — дедим. — Уйқута амр-фармон беролмайман. Винодан қолганми?

— Ха, жигарларим омон бўлса, уйдан маю шароб узилмайди. Қачондан бери майга ружу қўйдинг?

- Франциядалигимдан бери.
– Дуруст. Хар ҳолда винонинг фарқига борарсан?
– Унча эмас. Қизилини хуш кўраман. Арзон.
Елена туриб, ошхонага ўтди ва иккита шиша, очқич кўтариб чиқди.
– Бизнинг фюрер эски мусаллас солиш қоидаларини ўзгартиришни буюрган, – таъкидлади Елена. – Илгарилари табиий винога шакар қўшиш ман этилганди. Энди эса бижриш муддатига ҳам риоя қилинмайди.
Еленага анқайиб қараб қолдим.
– Ўнмаган йиллари бу нарса тахир винога таъм беради, – деб тушунтириб бериб, табассум қилди Елена. – Экспортни кучайтириб, маблағ кўпайтириш учун олий иркнинг оддий хийласи.
Шиша ва очқични қўлимга тутқазди. Мозел виносини¹ очдим. Елена иккита нафис қадах келтирди.
– Қаерда офтобда тоблана қолдинг? – деб сўрадим.
– Мартда тоққа чиққандим. Чанғида роса учдим.
– Яланғоч бўлволиб-а?
– Йўғ-е, у ерда қуёшда тобланиш мумкин.
– Қачондан бери чанғига қизиқиб қолдинг?
– Бир танишим маслаҳат берганди.
У вашимни келтириб хумор қараш қилди.

¹ Мозел виноси – Франциянинг Мозел водийсида етиштириладиган узумдан тайёрланадиган вино нави.

- Жуда яхши бўпти. Чанғида учиш соғлиқ учун фойдали.
Қадахни тўлдириб Еленага узатдим. Вино нордон бўлиб, бургунд виноларидан¹ хушбўйроқ экан. Бунақасини Германиядан чиқиб кетганимдан бери ичмагандим.
– Балки ким менга чанғида учишни маслаҳат берганини билишни истарсан?
– Йўк.
Авваллари тун узоғи шу ҳақда сўрайвериб, Еленанинг миясини қоқиб қўлига берган бўлардим. Хозир бунинг менга заррача қизиғи йўк. Оқшом пайдо бўлган нотабиий хис яна вужудимда турди.
– Сен ўзгарибсан.
– Боя оқшом икки марта ўзгармаганлигимни кистириб ўтдинг.
– Ўзгармаслигингни истамаган кўринаман. Мен қадахни бир кўтаришда қуритдим.
– Тоза таъзимни бериш учунми?
– Нима, олдин сен билан ади-бади айтишганманми?
– Билмадим. Менимча, йўк. Ҳаммаси ўтмишда қолди. Авваллари қанақа эканлигимни эсласам, таажжубланиб қоламан: қўйди-чиқди қилишга юз фоиз ҳақли эдинг.
– Биз аёллар жанжал чиқаришга устамиз. Буни билмасмидинг?

¹ Бургунд виноси – Франциянинг Бургунд водийсида етиштириладиган узумдан тайёрланадиган вино нави.

– Қайдам. Мени огоҳлантирганинг яхши бўлди. Айтганча, вино хуштаъм экан. Рисоладагидек сақлашган, шекилли.

– Сен ҳақингда нималар деб бўлмайди-а?

– Элен, кўйгин, илтимос. Сен нафақат асабийлашяпсан, балки устимдан куляпсан ҳам. Бунақанги хийла-найранг ноёб хусусият.

– Андак ўзингни катта олворяпсан, – деди ранжиб. Вино тўла қадахни ҳамон осилтириб ушлаб каравот четига ўтирди.

– Асло. Ниҳоят даражадаги қатъиятсизлик, агар у ўлим билан тугамаса, сира ўзгартириб бўлмайдиган осойишталикка олиб боришини нахот билмасанг? Тўғри, булар тамтароқли сўзлар, лекин учиб кетаётган ҳаво шарига қиёслаш мумкин бўлган турмушнинг хулосаси шудир.

– Бу қанақа турмуш бўлди?

– Мен кун кўраётган турмуш-да. Қайсики, ҳеч қаерда тўхташ мумкин бўлмаган, бошпанасизлик манглайга битилган, доимо олға елиб-югуриш лозим бўлган ҳаёт. Мусофирчилик. Дарвешона тирикчилик. Замонавий инсон турмуши. Биласанми, муҳожирлар одамлар ўйлаганларидан-да зиёдроқ. Уларнинг сафига гоҳида ўз кулбаи вайроналарини ташлаб чиқмаганлар ҳам киради.

– Ёмон эшитилмаяпти. Ҳар қалай, бу оқсуяклар турғунлигидан яхшироқ.

Мен бош ирғадим.

– Албатта, буларни жўнроқ сўзлар билан ифодаласа ҳам бўларди. Агар ҳаёлий тасавву-

ротимиз жиндай кучлироқ бўлганда э...
даврида кўнгиллилар камроқ бўлармиди.

– Нимаики бўлмасин, у барибир оқсуяк. Бемаъни ҳаёт кечирибдан тузукроқ, – деб Елена қадахни бўшатди.

Мен унинг ичишини кузатардим. У ҳали навнихол, ўйлардим ўзимча, тажрибасиз, дилбар, бемулоҳаза ва ўлгудай қайсар. Ҳеч нарса билмайди. Ҳатто оқсуякларча ҳаёт кечириб батамом жўрофия билан боғлиқ тушунча эмас, балки қиссадан хисса қабалида эканини ҳам билмайди.

– Яна ўша ботқоқликка қайтмоқчимисан, нима бало?

– Ким билади, дейсан. Ватаним ўз ихтиёримга қарши мени космополит¹ қилиб қўйди. Шундоқлигимча қоламан. Ортга қайтиш йўқ.

– Ўзлигинга, инсонийлигинга ҳамми?

– Ўзлигимга ҳам. Еримиз ҳам учадиган шар эканлигидан беҳабармидинг? Муҳожир – бу куёш. Ортга йўл йўқ. Йўкса ўлим кутиб турибди.

– Хайрият. – Елена менга қадах узатди. – Сира қайтишни истамаганмисан?

– Ҳамиша хоҳлардим. Ўз назариямга ҳеч қачон амал қилмайман. Дарвоқе, бу фикрим назарияларимга ўзгача кўрк беради.

¹ *Космополит* – «Киши дунё фуқаросидир» деган шиор остида ватанпарварликни, халқларнинг ўз миллий суверенитети ва мустақиллигини, миллий маданиятни инкор этувчи реакцион тузум назарияси ва идеологияси тарафдори.

Елена мийиғида кулди.

– Албатта. Бу биз ўргимчак тўрига яширмоқчи бўлган нимадирга ўхшайди.

– Нимага?

– Номи йўқ нарсага.

– Фақат тунда бўладиганми?

Мен жавоб бермадим. Каравотда жимгина ўтиравердим. Вақт шамоли бирдан тўхтаб, кулоқларим остида хуштак чалишни бас қилди. Ўзимни ҳаво гирдобига тушиб қолган самолёт ўрнида ҳис қилардим. Мен аввалгидек учиб кетардим, бироқ мотор шовқини ортиқ эшитилмасди.

– Янги исм-шарифинг нима? – тўсатдан сўраб қолди Елена.

– Иосиф Шварц.

Елена бир зум фикр юритди.

– Демак, энди менинг фамилиям ҳам Шварц экан-да?

Мен жилмайдим.

– Йўқ, Элен. Бу ғирт тасодиф. Мен бу исмни мерос қилиб олган одам ўз навбатида уни бошқасидан олган. Марҳум Иосиф Шварц энди менинг вужудимда яшайпти.

– Сен уни танимасмидинг?

– Йўқ.

– Бегона исмни ўзлаштирганингдан буён ўзингни бошқача ҳис этяпсанми?

– Ҳа. Чунки бу хужжат билан боғлиқ. Яъниким, паспорт билан.

– Хатто қалбаки бўлсаямми?

Мен кулимсирадим. Ростини, бу савол бошқа оламдан берилгандай эди. Ҳақиқийми, қалбакими, нима бўлса ҳам, паспорт фақат полициячиларни қизиқтиради.

– Ушбу мавзуда масал тўқиш мумкин. Масал манов саволлардан бошланмоғи даркор: умуман исм нима дегани? Тасодифми ёхуд қонунийликми?

– Исмдақа исм-да, – деди Элен кутилмаганда ўжарлик билан. – Мен ўз фамилиям учун курашдим. Ахир у сеники эди. Ногаҳон пайдо бўласан-у, бошқа исм-шарифни пешонангга тамға қилиб олганинг маълум бўлади.

– Фалак уни менга инъом этди ва бу энг қимматбаҳо совға бўлди. Мен жон-жон деб бу исмни кўтариб юраман. Бу эзгуликнинг, одамгарчиликнинг намунаси. Агар мен ночор ахволга тушиб қолсам, бу исм менга ёруғ дунёда ҳаливери эзгулик уруғи қуримаганлигини ёдимга солади. Сеники-чи? Тулки, бўри ва товус каби турланувчи савияга эга прусс аскарларининг, овчиларининг уруғиними?

– Мен оиламдагиларнинг фамилияси хусусида гапирмаяпман. Мен ҳали-ҳануз сенинг фамилиянгданаман. Хув, ўша бурунгисида, Шварц жаноблари.

Иккинчи шишани очдим.

– Менга хикоя қилишларича, Индонезияда вақти-вақти билан исм ўзгартириш анъанаси мавжудмиш. Киши аввалги «мен»идан тўйиб кетса, ўзига бошқа исмни оларкан-да, янги ҳаёт бошларкан. Зўр ғоя!

– Демак, сен янги ҳаётга қадам қўйибсан-да?

– Бугундан бошлаб.

Элен туфлисини полга тушириб юборди.

– Ахир янги ҳаётга ўзлари билан бирор нима олиб кирмайдиларми?

– Фақат акс-садони.

– Хеч қандай хотирасиз-а?

– Қалбингни тирнамайдиган хотиралар айни акс-садодир.

– Худди эски кинофильм кўраётгандек-а?

Унинг авзойи шундай эдики, қадах билан башарамга тушириб қоладигандай бўларди. Мен дархол кўлидан қадахни олиб, винога тўлдирдим.

– Қанақа нав бу?

– «Рейнгарт хаузен». Яхши рейнвен¹. Тузук сақланган. Бошқа винога қайрилиб қарашнинг хожати йўқ.

– Хулласи калом, чел элники эмас, шундайми?

– Буқаламун эмас. Жавобгарликдан қочадиганлар тоифасидан эмас.

– Вой Худойим, Элен! Наҳотки, чинданам зодагонлик хулқ-атворининг қанот қоқишини эшитмоқдаман? Бу ботқоқликдан чиқиб кетишни хохламайсанми?

– Сен мени аслида назарда тутмаган нарсамни айтишимга мажбур этяпсан, – деди ғазабнок оҳангда. – Қарагин-а, нималар тўғрисида

¹ *Рейнвейн* — узум виносининг бир нави.

сўзлашяпмиз! Қандай мақсадни кўзлаб? Биринчи тунда-я! Наҳотки бир-биримизни кўришга кўзимиз, отишга ўқимиз бўлмаса?

– Биз ҳам диллашяпмиз, ҳам нафратланяпмиз.

– Мунча кўп гапни қаердан оласан? Шундоғ ўтириб, гап сотишимиз яхшими? Ёки у ёқда шундақа фалсафа сўқийдиган улфатлар орттирдингми?

– Аксинча. Шу важдан мендан сўзлар тутдек ёғияпти. Мен ҳам сен каби сиқилиб кетганман.

– Чинданми?

– Ҳа, Элен. Чиндан.

– Эҳтимол, очикроқ гапирарсан?

Мен бош чайкадим.

– Мен таъриф тавсифлардан ҳадиксирайман. Ойдинлик киритувчи сўзлардан ҳам юрак олдириб қўйганман. Хоҳ инон, хоҳ инонма. Боз устига, бунга мен тилимга олишни истамаётган ташқарида, кўчада писиб тургувчи алланимарсанинг олдидаги қўрқувни ҳам қайд этиб қўй, нега десанг, менга шундай бидъат ёпишиб олганки, токи ўзим вокиф бўлмагунимча хавф-хатар йўқ, деб ўйлайман. Мана қаердан мужмал сўзлар келиб чиқяпти. Баногоҳ вақт мавжуд эмасдек туюлади — худди кинотасма узилиб қолган дамга ўхшаб. Ҳаммаси ҳаракатдан тўхтайдю, зинҳор-базинҳор кўнгилсизлик рўй бермаслигига ишона бошлайсан.

– Бу мен учун ғоят мураккаблик қилади.

– Менга ҳам. Тўғриси, мен шу ердалигимдан, сен билан биргалигимдан, сени соғ-саломат кўрганимдан, ҳалигача қўлимга кишан солишмаганидан мамнун эмасманми?

– Шуларни деб келдингми?

Унинг саволини жавобсиз қолдирдим. У худди амазонкага ўхшаб яланғоч, қўлида шароб тўла қадах тутган ҳолда ўтирарди. Талабчан, қув, ростгўй, жасоратли. Шунда тушундимки, мен у ҳақда ҳеч нима билмас эканман. Иттифоқо, ажойиб кунларнинг бирида хожанинг қўлида мутлақо қўзичоқ эмас, мовий бантикча ҳам, юмшоқ чўткача ҳам умуман керак бўлмаган, ўзини силаб-сийпаётган қўлларни тишлаб олишга кодир ёш, навкирон қоплон пайдо бўлади.

Нафсиламбрини айтганда, аҳволим ҳавас қилгулик эмас. Узоқ ҳижрондан сўнг илк тунда бўладиган нарса юз берганди: мен шармандали тарзда касод бўлдим. Тан оламан, бунга гайёр эдим. Шуниси ғалатики, айнан шу тўғрисида ўйлаганим учун юз бергандир. Нима бўлган тақдирда ҳам аҳволнинг беъманилиги аниқ бўлиб қолганди: мен эрлик бурчимни бажаришга лаёқатли эмасканман. Лекин шунга ўхшаш бир нима бўлишини кутгандим, шунданми, хайриятки, вазиятни янада танглаштирадиган ҳаракат қилмадим. Ушбу мавзуда исталганча мулоҳаза юритиш мумкин, шак-шубҳасиз айтиш мумкинки, извошчидан бошқаси бундай кўнгилсизликлардан суғурта қилинмаган, аёл киши эса ўзини жуда яхши

тушунаётгандек қилиб кўрсатишга мойил ва ҳатто бахтиқароларни оналарча овута бошлайди. Барибир бу ўлгудай хунук вазият ва бундай дақиқаларда ҳар қанақанги хис-туйғуни ошқор этиш кулгули.

Мен ҳеч нарсани тушунтириб ўтирмадим. Бундан Елена саросимага тушди. Кейин хужумга ўтди. Унга нега қўл теккизмаётганимга тушунолмас, ўзини ҳақоратланган ҳисобларди. Албатта, мен ҳақиқатни айтишим лозим эди, лекин бунинг учун етарлича хотиржам эмасдим. Ҳар доим иккита ҳақиқат бўлади: бири билан орқа-кетини ўйламай олға талпинасан; бири эса аввал ўзинг ҳақингда ўйлаётганингда етти ўлчаб, бир кесишга ўхшаш. Бироқ ўтган беш йил ичида тушуниб етдимки, ортга қарамасдан олдинга интиларкансан, ўқ еб қолишинг ҳеч гап эмас, бунга ажабланиб бўлмайди.

– Менинг аҳволимдагилар ирим-сиримли бўлиб қолишади, – дедим Еленага. – Улар агар тўғридан-тўғри гапиришса ё хоҳлаганини қилишса, албатта, тескариси бўлади, деб ўйлашга ўрганиб қолишган. Шунинг учун улар ўйлаб қадам босишади. Ҳатто нутқ ирод қилишганда ҳам.

– Қандай бемаънигарчилик.

Мен тишимнинг оқини кўрсатдим.

– Мен аллазамонлар ҳар қандай маънога ишончимни йўқотганман. Бўлмаса норинжга ўхшаб нордон бўлиб қолардим.

– Сенинг хурофотчилигинг жуда узоққа тарқалмайди, деб умид қиламан.

– Шунчаликка бордики, Элен, – дедим оғишмай, – сенга бўлган чек-чегарасиз муҳаббатимни тилга олишим биланоқ кейинги дақиқаларда эшикни гестапо тақиллатади.

Бир сонияга Елена ташвишли шитир-шитирни эшитиб қолган хайвондек қотиб қолди, сўнг аста юзини менга бурди.

– Аҳён-аҳёнда агар қайтиб келсанг, нима бўлишини ўйлардим. Умуман буни бошқача тасаввур қилгандим.

У айнан нималарни тасаввур қилганини сўрашдан ўзимни аранг тийдим. Муҳаббат бобида сўроқ-савол кўпаяди, устига-устак, жавобларни кавлаштириш бошланганда муҳаббатнинг умри қисқаради.

У каравотни раққосалар каби нағма билан айланиб ўтди. Қадахни ёнига қўйиб, керишди. Баданига қуёш нурлари сингган кип яланғоч ҳолатида суюкли ёр эканлигини неча бор эшитган аёл сингари беғам эди.

– Қачон кетишим керак?

– Эртага оксоч келмайди.

– Демак, индингами?

Елена бош ирғади.

– Бугун шанба. Оксочни икки кунга қўйиб юбордим. Душанба куни пешинда келади. Унинг жазмани бор. Икки болали полициячи. – Елена менга кўзларини қисиб қаради. – Унга жавоб берганимда боши осмонга етди.

Кўчада бир текисдаги кадам товушлари ва ашула эшитилди.

– Нима бу?

– Аскарлар ёки гитлерчи ёшлар. Эндиликда Германияда доимо кимдир марш килиб юради.

Ўрнимдан туриб, парда орасидан мўраладим. Гитлерчи ёшлар бўлинмаси кетиб борарди.

– Энг қизиғи, сен мутлақо туғишганларингга ўхшамайсан.

– Фаранг момом айбдор бўлса керак, – деб хитоб қилди Елена. – Уруғимизда шунақаси борийди. Энди бўлса, худди яхудийдай яшириш-япти уни.

У хомуза тортиб, керишди ва гўё биз бир неча ҳафтадан бери бирга яшаётгандек, гўё ҳеч қандай хатар йўқдай осойишталанди.

Икковимиз ҳам бу мавзуда гаплашишдан қочардик. Елена бир марта бўлсин, сургунликдаги ҳаёт нима эканлигини сўрамади. У мени асли кимлигимни биладими-йўқми, билмасдим. У қатъий қарорга келган кўринади.

– Уйқунг келяптими? – сўради.

Соат бир бўлибди. Ўзимни таппа тўшакка ташладим.

– Чироқ ёниклигича турса бўлмайдими? – сўрадим. – Шунда бамайлихотир ухлайман. Ҳали-вери немис тунларига кўникканимча йўқ.

У менга ялт этиб қаради.

– Истасанг, ҳамма чироқларни ёқиб қўй, азизим...

Биз ёнма-ён ётдик. Қачонлардир ҳар тун бирга уйқуга кетишимизни элас-элас эладим. Энди у ёнгинамда, аммо бегона. Аста-секин унинг нафасини, сочларининг ифорини, айниқса, терисининг исини таний бошладим.

Уни оғушимга олиб, алла-паллагача ухлаёлмадим. Нур сочиб турган чирокни ва нимқоронғу хонани томоша қилдим. Хонани таниб-танитай, ниҳоят барча ваҳимаю хавотирларни унутдим.

– Францияда маъшуқаларинг кўпмиди? – кўзини очмай шивирлари Елена.

– Керагидан ортик эмас, лекин сендақасини учратмадим.

У хўрсиниб, ёнбошига бурилмокчидай қимирлади, лекин уйқу кучлилик қилди. Уйқу мени ҳам ишғол этди. Туш кўрмадим. Фақат сукунат ва Еленанинг бир маромдаги нафаси мени чулғанди. Тонготарда уйғондим. Ҳеч нарса бизни ажратиб турмасди. Ниҳоят икки ёрти бир бутун бўлиб қовушгандик ва зулматга ўрин бўлмаган, милтиллаб турган нурли булутларга бош қўйгандек яна уйқуга чўмдик.

VI

Эрталаб Мюнстерда чамадонимни қолдирган мехмонхонага кўнғироқ қилиб, Оснабрюкда ушланиб қолганимни тушунтириб, кечга қайтишимни айтдим. Хонани ўз номимда қолдиришни сўрадим. Бу зарур эҳтиёт чораси эди: англашилмовчилик оқибатида полиция ара-лашишини хоҳламасдим. Лоқайд овоз ҳаммаси бажарилишини айтди. Яна номимга хат-пат келдими, деб ҳам сўрадим. Келмабди. Гўшакни қўйдим. Елена ёнимда туриб, барчасини эшитди.

– Хат? Кимдан хат келиши мумкин?

– Ҳеч кимдан. Ишончлироқ бўлиши учун шундай дедим. Қизик, хат кутаётган кишиларни негадир товламачи деб ҳисоблашмайди.

– Сен ўзингни шу тоифага киритасанми?

– Афсуски, ҳа. Ўз ихтиёримга қарши.

Елена қикирлаб кулди.

– Бугун кечқурун Мюнстерга кетасанми?

– Бу ерда қололмайман. Эртага оқсочинг келади. Шахарда дайдиб юриш хавфли. Мўйлов қўйволганман-у, барибир таниб қолишлари мумкин.

– Мертенсникида қололмайсанми?

– Ўзининг қабулхонасида тунашим мумкинлигини айтганди. Кундузи-чи? Йўқ, яхшиси, тезроқ Мюнстерга қайтганим тузук, Элен. У ерда юрак ҳовучлаб ўтирмайман. Йўлга чиқсам, бир соатдан кейин ўша ерда бўламан.

– Мюнстерда узоқ қоласанми?

– Қайтганимдан сўнг ойдинлашади. Вақт ўтган сайин кишида хавф-хатардан огоҳ этувчи олтинчи туйғу ривожланаркан.

– Бу ерда хатарни сезяпсанми?

– Ҳа. Эрталабдан бери. Кеча сезмагандим.

Елена қошлари чимирилиб, менга боқди.

– Кўчага чиқмаслигинг керак.

– Лоакал қош қорайгунча. Сўнг вокзалга етиб олишим даркор.

Елена жим қолди.

– Ҳаммаси яхши бўлади, – дедим. – Қайғурма. Эртанги кунни унутмай ҳозирги лаҳза билан яшашга ўрганиб қолганман.

– Ростданми? Зўр-ку.

Унинг овозида кечагидек бир чимдим газаб сезилди.

– Нафақат зўр, зарурдир. Барибир дамо-дам нимадир ёдимдан кўтарилади. Соқол оладиган асбобларимни Мюнстерда қолдирибман. Кечга бориб маймундан фарқим қолмайди.

– Ваннахонада устара бор. Беш йил олдин ўзинг қолдириб кетгансан. Ич кийимларинг ҳам бор. Эски костюмларинг шкафнинг чап томонида осиблиқ турибди.

У шундай гапирардики, гўё мен беш йил олдин бошқаси билан қочиб кетганман ва энди буюмларимни олиб, тагин ғойиб бўлиш учун қайтиб келганман. Эътироз билдирмадим. Фойдаси йўқ. У менга хайрон бўлиб қараган, буни назарда тутмаганини айтган бўларди, башарти мен шундоқ ўйларканман, у ҳолда... Соф туйғуларимизни яшириш учун нималар қилмаймиз?!

Ваннахонага кирдим. Ҳеч қандай ҳиссиётга берилмадим. Уч йил олдин ўз қувғинлигимни бахтиқаролик деб ҳисобламай, унга такомиллашишим учун зарур бўлган совуқ урушнинг бир тури сифатида қарай бошлагандим. Бундаин кашфиёт мени кераксиз изтироблардан халос этганди.

Ҳис-туйғулар чалкашлигида кунни кеч қилдик. Йўлга чиқиш хаёли иккаламизни ҳам титроққа соларди. Елена учун янги синов эди бу. Менга одат бўлгани боис айрилиққа тайёр эдим. Яқиндагина базўр Францияни ташлаб келдим, ахир. Менга тўйиб улгурмай Елена ви-

долашув олдида турарди. Таҳқирланган аёллик гурурини эпакага келтириш учун унинг фурсати ғанимат эди.

Бунинг устига ўтган кечаси ғалати ўзгариш рўй берди. Ҳиссиётлар тўлқини орқага қайтиб, нобуд бўлган кўнгил парчалари юзага қалқиб чиққанди.

Чамаси бир-биримиздан ётсирардик. Мен мануният ила эс-хушимни йиғиб олмоқ учун бир соат якка ўзим ўтирган бўлардим, бироқ бу шунчаки бир соат эмас, Елена билан ўтказишим даркор бўлган вақтнинг ўн иккидан бири эканлигини ўйласам, тарвузим қўлтиғимдан тушарди.

Илгари тинч-осойишта йиллари дабдурустдан бир ойгина умрим қолганини билиб қолсам, не қилардим, деб ўзимдан сўрардим. Бу саволга сира жавоб тополмасдим. Дам бирон чора қўллаш лозимдай, дам зинҳор-базинҳор ҳеч нима қилмаслигим керакдай туюларди. Ҳозир ҳам шундай эди.

Елена ҳам шуни бошидан ўтказаётганди, чоғимда. Бунинг турган-битгани азоб эди, гўё теграмизда ўткир, яраловчи тиглардан ўзга ҳеч нарса йўқ эди. Қош қорайди. Айрилиқ ваҳимаси шу қадар кучайдики, биз бир-биримизни янгитдан кўриб тургандек эдик.

Соат еттиларга бориб эшик қўнғироғи чалинди. Сергакландим. Қўнғироқ овози менга полицияни англатарди.

– Ким бу? – деб пичирладим.

– Жим ўтир, – деди Елена. – Битта-яримта танишлардандир. Жавоб қилмасам, кетади.

Бироқ кўнғирок яна жиринглади. Кейин кимдир эшикни кескин тақиллатди.

– Ётоқхонага, – шивирлаб буюрди Елена.

– Ким бу?

– Билмадим. Ётоқхонага кир. Бир амаллаб кутулишга ҳаракат қиламан. Йўкса, кўшнларнинг эътиборини тортади.

Турдим. Тезгина атрофга қараб олдим: хонада у-бу нарсам қолмадимикин? Оёқ учида ётоқхонага кириб кетдим.

Еленанинг овозини эшитдим:

– Ким у?

Эркак кишининг овози жавоб берди.

– Сенмисан? Бирор кор-хол бўлдимиз? – деди Елена.

Эшикни қия очдим. Квартирада ошхона орқали хилват эшик ҳам бор эди, аммо ундан фойдаланолмасдим: сезиб қолишлари тайин. Биргина Еленанинг кийим-пийимлари илиниқ турган шкафга беркиниш қолди, холос. Бу шкаф эмас, эшик ўрнатилган катта ўйиқ эди. Димиқиб қолмаслик учун етарлича жой топилади.

Елена билан эркак киши хонага кирганини эшитдим. Овозидан Еленанинг акаси — Георгни танидим. Бир замонлар бу баттол мени концентрацион лагерга тикқанди.

Еленанинг пардоз столчасига кўз ташладим. Ҳеч қанақанги қурол йўқ. Фақатгина қоғоз қирқиш учун яшма сопли дичоқ турибди. Ўйлаб-нетиб ўтирмай пичоқни чўнтагимга солиб, шкафга бекиндим. Агар у мени пайқаб қолса,

химояланишга тўғри келади, уни ўлдириб, кейин қочаман.

– Телефон? – деди Елена. – Эшитмабман. Ухлаётгандим. Нима бўлди ўзи?

Дамим ичимга тушиб кетди. Ахвол шу қадар кескин эдики, учқун чикса бўлди, пилликка ўхшаб лов этиб ўт оласан. Бундай сонияларда келажакни олдиндан кўра бошлайсан, тафаккуринг воқеалардан ўзиб кетади. Георг тилга кирмасидан олдинроқ у мен ҳақимда билмаслигини сездим.

– Сенга бир неча маротаба сим қоқдим. Ҳеч ким жавоб бермади. На сен, на оқсочинг. Сенга бирон нима бўлди, деб ўйладик. Эшикни нега очмадинг?

– Ухлаётувдим. Телефонни ҳам ўчириб қўйгандим. Бошим оғриётганди, ҳозир ҳам оғриятти. Уйғотиб юбординг.

– Бошинг оғриётганди?

– Ҳа. Икки дона хапдори ичдим, энди яна бемалол уйқуга кетаман.

– Уйқу дори ичдингми?

– Йўқ, бошоғриқ дори. Жўна, Георг ётгим келяпти.

– Ҳаммаси бўлмағур гап. Кийин, сайрга чиқамиз. Ҳаво ажойиб. Тоза ҳаво ҳар қандай доридан яхши.

– Лекин мен дори ичиб олдим, мизғишим керак. Ҳеч қаёққа боришни истамайман.

Улар бир фурсат суҳбатлашишди. Георг кечроқ кириб ўтмоқчи эди, Елена рад этди. Акаси уйда озик-овқат бор-йўқлиги билан қизикди.

О, ха, албатга. Оксоч қаерда? Кечкурунга унга рухсат берилган, тез орада келиб, кечлик тайёрлайди.

– Демак, хаммаси жойида?

– Аслини олганда, нима жойида бўлмаслиги мумкин?

– Ха, йўғ-е, шунчаки айтдим-қўйдим. Хар хил бемаъни фикрлар келади-да хаёлга. Охир-оқибат...

– Нималар деяпсан ўзи?

– Ўшанда...

– Нима ўшанда?

– Хўп, хўп, гапирмадим. Бу ҳақда гапириш бефойда. Хаммаси жойида, гап тамом-вассалом. Нима бўлсаям акангман, шунга ҳаддим сиғиб кизиқяпман.

– Бўлмасам-чи!

– Нима бўлмасам-чи?

– Сен мени акамсан.

– Шуни яхшироқ тушунишингни истардим. Сенга фақат яхшилиқни тилайман.

– Ха, ха. Албатга. Биринчи марта айтмаяпсан буни.

– Сенга нима бўлди? Қанақадир бошқа-часанми-ей?

– Наҳотки?

– Мулоҳазакорроқсан, демоқчийдим. Агар яна шунақа хуруж бўлса...

– Ҳеч қанақа хуруж-пуруж бўлмайди. Айтяпман-ку, шунчаки бошим оғрияпти. Бор-йўғи шу! Мени назорат қилишларини ёмон кўришимни жуда яхши биласан.

– Ҳеч ким сени назорат қилаётгани йўқ. Сенга жон куйдирыпман, холос.

– Ўтиниб сўрайман, жон куйдирмай қўя қол. Менга ҳеч нима керакмас.

– Хар доим шундай дейсан. Ўшандаям...

– Бу ҳақда овиз очмаймиз, – дарҳол гапни бурди Елена.

– Ха, ха, албатга. Хар холда бунга ўзимнинг ҳам хушим йўқ. Дўхтирга бордингми?

– Ха.

– Нима деди?

– Ҳеч нима.

– Бирон нарса дегандир?

– Айтдики, менга тинчлик керак экан, – деди Елена аччиқланиб, – агар чарчаб қолсам, бошим оғриркан, шунга баҳслашиб ўтирмай, буюк ва шарафли минг йиллик рейх, қайсики, улуг ва азим учинчи салтанат фуқаросининг бурчи бунга қўшиладимми-йўқми, олдиндан фол очмай, ётиб, уйқуга кетишим лозим экан.

– У шундай дедими?

– Йўқ, у бундай дегани йўқ, – овозини кўтариб шошма-шошарлик билан жавоб берди Елена, – буни ўзим қўшдим. У фақат беҳудага хаяжонланмаслигимни маслаҳат берди! Шундай қилиб, у ҳеч қандай жиноят қилгани йўқ ва уни концентрацион лагерга тикишнинг хожати йўқ. У давлатнинг содиқ фуқароси. Бўлдими? Етарлими?

Георг кетишга тараддудланиб нимадир деб минғирлади. Аммо мен шахсий тажрибамдан билардимки, айнан ҳозир энг хавфли лаҳзалар

бошланди, кутилмаган бир бало бўлади. Торгина тирқиш қолдириб, шкаф эшигини зичлаб ёпдим. Шу онда ётоқхонага Георг йўналганини эшитдим. Унинг қораси лип этиб, ваннахона ёнидан ўтиб кетди. Елена ҳам унинг ортидан хонага киргандек туюлди, бироқ кўзга чалинмади. Еленанинг кўйлаклари орасида кўлимдаги пичокни маҳкам сиққанча қоронғуликда қолдим.

Билиб турибман, Георг мени пайқамади, ваннахонадан чиқади-ю, жўнаб қолади. Шундай бўлса-да, томоғимни нимадир бўғарди. Бада-нимдан тер дув-дув оқарди. Мавҳумот олдидаги кўрқув бошқа-ю, у маълум шаклга кирганда бошқача бўлади. Кўрқувни сабр-бардош ёки бошқа хийла-найранг билан енгса бўлади. Лекин сенга таҳдид солиб турганларини кўрганингдан кейин махорат ҳам, рухий сезимлар ҳам мадад беролмайди.

Қизик, чегарани босиб ўтганимдан буён кўрқув хақида ўйламагандим. Йўкса, hozир эсим кириб, чегара ортида турган бўлардим. Аммо мулоҳазакорлигимга қарши ичимда недир бош кўтарди. Хотирамиз эса умуман бизни алдайди, у бадхазм нарсани унутилган соҳилларга итқитиб, бизга яшаш имкониятини беради. Хеч бошингиздан ўтганми бундай ҳоллар?

— Ҳа, бу менга таниш, — дедим. — Лекин бу унутиш эмас. Бу чала уйку. Биргина туртки билан зумда барчаси жонланади.

Шварц бош ирғади.

— Мен улкан кўршапалакларнинг юмшок қанотларига ўхшаш кўйлақлар қуршовида,

атир-упа бўйига тўйинган, қоронғу, берк маконда қимир этмай турардим. Пиллакуртга ўхшаб шитирламаслик учун қисқа-қисқа нафас олардим. Қўққисдан аксириб ёки йўталиб юборишдан кўрқардим. Кўрқув полдан кўтарилиб келиб, мени қора тутун билан чулғай бошлади. Нафасим қайтиб, бўғилдим.

Концлагердалигимда энг ёмонини татиб кўрмагандим. Менга ёмон муносабатда бўлишарди, холос. Бу оддий ҳол эди. Боз устига, кейин мени қўйиб юборишганди. Шунинг учун хотираларим хиралашиб, таъсирчанлигини йўқотганди. Энди эса барчаси янгитдан бўй кўрсатганди — кўрган-кечирганларим, эшитганларим, ўзим гувоҳ бўлганларим. Мен нари борса бадарғалик ёки турма хавф солиб турган юртларни қайси ақл билан ташлаб келганимга тушунолмамай ҳалак эдим. Энди улар одамгарчиликнинг етиб бўлмас бандаргоҳи бўлиб туюларди.

Шу аснода Георг бир қанча вақт ваннахонада қолиб кетди. Девор юпқа эди. Георг олий ирқнинг асл вакили сифатида ўзини осойишта тутмасди. У унитаз қоққоғини тарақлатиб очиб, табиий ҳожатни чиқариш билан банд бўлди. Ҳаммасини эшитиб турардим, кейинроқ бу менга хўрлашнинг чўққиси бўлиб кўринди, бироқ бу ўшанда унинг лақмалиги ва ҳеч нарсадан гумонсирамаётганидан далолат берарди. Жиноят тарихида учрайдиган воқеалар хотиримга келди: жиноятчилар квартирани тунашгач, гулдургуп бўлишдан олдин хоналарни булғашар экан.

Улар бунни мазах учун ва қўрқувни босиш мақсадида қилишаркан, негаки шундай қалтис вазиятда қистаб қолиши аввало қўрқувдан дарак беради.

Георг сувни оқизди, пошналарини тўқиллатиб, ваннахонадан чиқди ва ётоқхонага кирди. Катта эшик тарақлаб ёпилди.

Шкаф эшиги очилди. Қаршимда Еленанинг қора шарпаси пайдо бўлди.

– Кетди.

Шкафдан чиқдим. Кимга ўхшаб қолдим? Аёл кийимида қўлга тушган Ахиллесгами¹? Билмадим. Қўрқувдан хижолат ва шармандаликка ўтиш оний бўлди. Қўрқув қандай ёпишса, шундай тезлик ила тарқалишига кўниккан бўлсамда, дарров ўзимга келолмадим. Томоғимда кимнингдир қўлларини сездим. Мени нима кутаётганини билмасдим: бадарғаликмми ёки ўлим?

– Зудлик билан кетишинг керак, – пичирлади Елена.

Унга назар ташладим. Негадир унинг кўзларида ҳазарни уқишим лозимдай туюлди. Эҳтимол, хавф-хатар ўтиб кетган заҳоти ўзимни эркаклик ор-номусим олдида камситилганим учундир, гарчанд Еленадан ташқари бировнинг олдида бу хисни туймаган эсам-да.

¹ Ахиллес — Хомернинг «Илиада» эпоси қахрамони. Ахиллеснинг онаси Фетида ўғлини жангу жадаллардан асраб, Скирос номли аёллар оролига яшириб қўяди. Ахиллесни топиш учун Одиссей жангга чорловчи бурғуни чалади, юрагида уруш олови ёнаётган Ахиллес бу хийлага учиб, аёл кийимида қурол кўтариб югуриб чиқади.

Аммо унинг юзларида фақатгина қўрқув балкиб турарди.

– Кетишинг керак. Бу ёққа келганинг гирт жиннилик.

Гарчи бир сония аввал ўзим ҳам шуни ўйлаган бўлсам-да, йўқ дегандай бош тебратдим.

– Кутиш керак, – дедим. – Балки уй теграсида айланиб юргандир. Бехос қайтиб қолсачи?

– Йўғ-е. Ҳеч нарсадан шубҳаланмади-ку.

Елена меҳмонхонага кириб, пардаларни туширди ва кўз қири билан деразадан ташқарига қаради.

Очиқ эшикдан ётоқхонанинг чирок нури ромб шаклида полга тушиб турарди. Елена дераза ёнида ўлжасини пойлаётгандай зўр бериб букчайиб олганди.

– Вокзалга бориб бўлмайди. Сени таниб қолишади. Лекин кетишинг шарт! Эллидан машинасини сўрайман. Мюнстерга сени ўзим обориб қўяман. Қанчалар телбамиз! Бу ерда қололмайсан.

У яқинда тургани билан мендан аллақачон йироқлашганди. Кун бўйи қўллаган эҳтиёт чораларимиз бирдан чиппакка чиқди. Еленанинг қаршисида улкан хатар ўсиб чиққанди. Ўз кўзлари билан гувоҳ бўлди бунга.

Ҳаммаси бирданига кескин тарзда алайно-ошкор бўлди. Ва бу идрок шу заҳоти юракни ёндиргувчи истакка эврилди. Мен Еленани огушимга олиб, маҳкам қучоқлашим шарт эди,

у менга бутунлай керак эди. Жилла курса яна бир бор, сўнгги марта.

Довдираб қолган Елена қўлимдан туриб шивирлади:

– Йўқ, йўқ, ҳозир эмас! Эллига қўнғирок қилишим керак! Шошма, ҳозир эмас! Биз...

Биз ҳеч нарса қилмаслигимиз керак, деб ўйладим. Бир соатгина фурсатим қоляпти, кейин менга деса дунё остин-устун бўлмайдами. Нечун буни олдинроқ ҳис қилмадим? Нега ўзим ва туйғуларим орасидаги лаънати шиша деворни чилпарчин қилмадим? Агарки... бўларди.

У химояланарди. Георг қайтиб қолади, дея шивирларди. Балки, чиндан ҳам шундан ташвишланаётгандир. Бироқ мен бағоят кўп марта кўрқувнинг таъмини тотганман ва чекиниши билан уни ёддан чиқаришни уддалай олардим. Ҳозир қош қораяр маҳали Еленанинг кўйлак ва атири ифорлари анқиб турган хонада менга биргина нарса керак эди: бутун борлигим билан унга эга бўлмоқликни истардим.

Ушбу дақиқаларда мени дилдаги ношкор айрилик азоби ила унга, инсонга ато этилгандан-да тўлақонлироқ, чуқурроқ эга бўлолмаслик фикри камраб олганди. Мен уни минглаб қўллар ва лаблар билан сийлаб-сийпашни хоҳлардим, баданим баданига қўшилиб, бевосита ҳис этиш-чун уни қобикдай жисмимла ўраб-чирмашни истардим, лек барибир гўё бу бир бутун вужуд эмас, икки алоҳида танадай, гўё бу ковушмоқ эмас, икки жилғанинг туташмоғидай кўхна соғинч ила қўмсаб, суйиб-ардоқлаб, роҳатланган бўлардим.

VII

Мен Шварцнинг сўзини бўлмайд тинглардим. У менга қараган ҳолда сўзлаётган бўлса-да, мен Шварц учун бор-йўғи гоҳи-гоҳида аксадо қайтариб турувчи девор эдим. Мен ҳам ўзимга девор сифатида қарашга уринардим, акс ҳолда унга хижолатпазлик билан эътибор қаратолмасдим, у эса мунгли ҳикоясини хотиралар тупроғидан ўчиб кетишидан бурун сўзлаб беролмасди.

Мен йўли унинг йўли билан атиги бир тунга кесишган бегона одам эдим. У менинг олдимда тортинмасди. У етти ёт бегона, марҳум Шварцнинг жуббасига бурканганди. Бу номаълум либосни ечиши биланок ўзига қабул қилган «мен»ни ҳам улоқтириб ташлар ва ҳеч қандай хужжат деган нарсани талаб этмайдиган, қаердаки ортга ҳайдаб юбормайдиган сўнгги чегарадаги қора дарбозаларда турган номсиз оломонга аралашиб кўздан ғойиб бўларди.

Ресторан оғаси қошимизга келиб, ресторанга инглиз дипломатларидан ташқари немис дипломати ҳам ташриф буюрганини маълум қилди. Гитлер элчиси бешта стол нарида кўр тўкиб ўтирарди. Ёнида уч киши, шу жумладан, икки нафари хонимлар. Аёллар тўладан келган, жусадор эдилар. Эгниларида ёрқин рангли шойи кўйлак. Кельнер кўрсатган киши бизга орқа ўгириб ўтирар, ундан кўнглим тўқ эди.

– Жаноблар учун қизиқдир, деган хаёлга бордим, – деди кельнер. – Ахир сизлар ҳам немисабон экансизлар.

Шварц кельнерга бепарво назар ташлади.

– Биз уни танаймиз. Бизга, яхшиси, яна вино келтиринг.

– Елена дугонасидан машина сўраб кетди, – хикоясида давом этди Шварц. – Квартирада танхо ўзим қолдим. Оқшом. Деразалар очик. Барча хоналардаги чирокларни ўчирдим. У-бу ким қўнғироқ қилса, жавоб бермаслигим лозим эди. Георг пайдо бўлиб қолган тақдирда ошхона орқали жуфтакни ростлардим. Ярим соат ўтди. Дераза ёнида ўтириб, кўча говур-гувурига кулоқ осдим. Бора-бора жисми-жаҳонимни жудолик хисси қамради. Бу ҳис уфқни хаспўшлаганча яксон этаётган, тева-ракдаги барча нарсани чўктириб, сўндирганча олис-олисларга судралаётган қош қорайиши мисол эди. Хаёлий тарозининг икки палласида бир-бирига қарши ўтмиш ва келажак тебраниб турарди. Иккаласида ҳам тубсиз жарлик бор эди. Ўртада Елена турар, тарози шайи унинг елкаларида тинчланарди. У ҳам мени тарк этганди. Мен ҳаётнинг марказида тургандай эдим. Бир қадам ташласам кифоя – тарози чайқалиб, келажак палласи зулматга тўлиб пастлайди ва йўқотилган мувозанат қайтиб келмайди.

Яқинлашиб келган автомобиль шовқинидан хушимга келдим. Кўча чироғининг ёруғида Елена машинадан тушиб, подъездга кириб кетганини кўрдим. Дам ўтмай қўлфда буралаётган калит шиқир-шиқирини эшитдим. Елена остонани ҳаллосласлаб хатлаб ўтди.

– Қетдик, – деди у. – Мюнстерга боришинг керакми?

– Меҳмонхонада чамадонимни қолдиргандим. Боз устига, Шварц фамилиясида рўйхатдан ўтганман. Қаёққаям борардим бошқа?

– Ҳақини тўлаб, бошқасига кўчиб ўт.

– Қайсинисига?

– Дарҳақиқат, қайсинисига? – Елена ўйла-ниб қолди. – Тагин Мюнстердаги яна биронта меҳмонхонагами? Ҳақсан. Бошқа қаёққа? Бу яқинроғи, хар қалай.

Баъзи зарур нарсаларни чамадонга жой-ладим. Уй ёнида машинага ўтирмасликка келишдик. Чамадонларни Еленанинг ўзи олиб чиқадиган бўлди.

Сездирмадан кўчага чикдим. Иссиқ шаб-бода юзимга урилди. Дарахтлар япроқлари қоронғуда шовқин солишарди. Елена менга майдонда етиб олди.

– Ўтир. Тез!

Машина «Кабриолет» монанд, усти ёпик эди. Еленанинг рафторига бошқарув доскасида ним ёруғлик тушиб турарди. Кўзлари йилтиллади.

– Машинани эҳтиёткорлик билан ҳайдашим лозим. Кичкинагина хатога йўл қўйилса, кифоя – тамом, ишга полиция бурнини суқади. Бир ками шу эди ўзи.

Оғзимга толқон солиб ўтиравердим. Бундай нарсалар ҳақида гаплашмаган маъқул, йўкса, албатта, ўша нарса содир бўлади. Елена бир кулиб қўйиб, машинани шаҳар девори томон бурди. Худди кизикарли саргузаштга чиққандек

ундан ошиғич қувват ёғиларди. Битта-яримтадан ўзиб кетиб ёки йўл берганимизда бир ўзига, бир машинага мурожаат қилиб, оғзи тинмасди. Агар йўл ҳарақати хавфсизлигига масъул назирлар олдида тўхташга тўғри келса, дуо ўқир, чорраҳалардаги қизил чирок тўхтатиб қолса, хатар белгисини ҳайдаб соларди:

– Қани, даф бўл, қизил! Яшил, олға!

Тўғриси, нима ҳақда ўйлашни ҳам билмасдим. Ахир биргаликдаги сўнгги соат ниҳояланаётганди. Елена қандай қарорга келганига ақлим етмасди.

Ниҳоят шаҳардан чиқиб кетдик. Елена енгил тортди.

– Мюнстердан қачон кетмоқчисан? – сўради у.

Буни ўзим ҳам билмасдим, чунки аниқ мақсадни кўзламагандим. У ерда узоқ қолиб бўлмаслигини билардим, холос. Аҳмоққа толе кези келганда насиб этади. Кейин огоҳлантириш бўлади. Кимки имилласа, тарсаки еб қолиши турган гап. Баъзан вақт тугаганини олдиндан сезиш мумкин. Ўшанда мен ҳам вақти соатим охирлаганини сездим.

– Эртага, – дедим.

У бирпас жим тургач:

– Буни қандай амалга оширмоқчисан? – деб сўради.

Квартирада ёлғиз қолганимда буни хаёлимдан ўтказгандим. Поездга ўтириб, чегарада паспортни кўрсатиш хавфли эди. Мендан виза,

паспортдаги қайдни, солиқ қоғозини сўраб қолишлари тайин. Бундан иш чиқмайди.

– Худди ўша йўл билан. Австрия орқали. Швейцария чегарасидаги Рейн орқали.

Еленага ўтирилдим:

– Бу ҳақда гаплашмайлик. Жуда бўлмаганда камроқ гаплашайлик.

Елена бош силкиди.

– Пул олволдим. Сенга керак бўлади. Модомики чегарадан махфий тарзда ўтаркансан, уларни олишинг керак. Швейцарияда ҳалиям валюта алмаштиришадими?

– Ҳа. Лекин ўзингга керакмасми?

– Ўзим билан олиб кетолмайман. Чегарада текширишади. Озроқ маркага рухсат бор, холос.

Оғзим очилиб, Еленага қарадим. Нималар деяпти ўзи? Гапидан янглишиб кетди, шекилли.

– Қанча бор?

– Етарлича. – У тез менга назар ташлаб олди. – Анчадан бери тўплаяпман. Ёнимда.

У чоғроқ чарм портфелга имо килди.

– Юз маркали ва йигирма маркали қоғоз пуллар. Санамасдан олавер. Нима бўлган тақдирда ҳам пуллар сеники.

– Жорий ҳисобимни мусодара қилиб юборишмагандими?

– Шундай, лекин анча кечикиш билан. Бу пулларни аввалроқ олишга улгуриб қолдим. Банкда ёрдам беришди. Пулларни сен учун сақлаб қўювдим, бир амаллаб жўнатмоқчи эдим-у, қаердалигингни билмасдим.

– Пайингга тушишган, деб ўйлаб, сенга ёзмадим. Сени ҳам лагерга тикишларини хоҳламасдим.

– Биргина шу сабаб билан жимиб кетмадинг.
– Эхтимол.

Биз похол томли оқ вестфаль кулбалари турнақатор тизилган қишлоқдан везиллаб ўтиб бордик. Кўчаларда мундир кийган йигитлар дайдиб юришарди. Пивоходанан Хорст Вессел¹ кўшиғи янграрди.

– Уруш бўлади, – деди ногоҳ Елена. – Шунинг учун келдингми?

– Уруш бўлишини қаердан биласан?

– Георг айтди. Шунга келдингми?

Бу унга нега керак эканини англолмасдим. Ахир қочқинлик бошқатдан бошланаётганди.

– Ҳа, Элен. Сабаблардан биттаси шу.

– Мени ўзинг билан олиб кетмоқчимидинг?

– Эй, Худойим. Бу ҳақда гапирмагин, Элен, илтмос, – ниҳоят портладим. – Бунинг нима эканлиги тушинггаям кирмаган. Сенга қувнок саргузаштга ўхшаб туюляпти. Агар уруш бошланса, баттар бўлади. Дархол мухожир немисларни ҳибсга олишади.

Темирўлдан ўтиладиган жойда тўхтадик.

Тез орада бошқа машиналар ҳам келиб тўхтади – аввалига тўртта бақалок, жиддий тусли тўралар ялпиниб ўтирган «оппел», кейин кексароқ аёл миниб олган, усти очик, икки ўриндиқли, яшил автомобиль пайдо бўлди.

¹ Хорст Вессел – нацистлар мадҳияси.

Охири ёнгинамизга катафалкка¹ ўхшаган катта қора «мерседес» шовқинсиз келиб тикилди. Рулда қора ССчилар формасидаги хайдовчи ўтирар, орқага юзи докадай оқарган СС кўшинларининг икки зобити жойлашганди. Машина қўл чўзса етадиган даражада яқинда турарди.

Поезд ўтиб кетгунча кўп кутиб қолдик. Елена чурқ этмай ўтирарди. Яркираб турган «Мерседес» олдинга силжиганда тумшуғи шлагбаумга тегишига бир баҳя қолди. Машина негадир икки жасадни олиб кетаётган маййитлар каретасига ўхшаб кетарди.

Хозиргина уруш ҳақида гапириб тургандик, шу заҳоти унинг кўланкаси соя ташлади: қора мундирлар, мурданикидек рангпар башаралар, фуражкали каллалар. Тун сукунати атиргуллар ифорига эмас, ёвшан ва чирик хидига тўлиб-тошгандек туюлди.

Шлагбаум кўтарилганда биринчи бўлиб «мерседес» қора торпедо сингари зулматга олға ташланди. «Мерседес» чироклари олдинга иккита қалин нур ташлади, уларнинг ўткир ёруғлигида ҳамма нарса бўзариб, тусини йўқотди, дарахтлар эса зумда жонсиз қора скелетга айланди.

– Мен сен билан кетаман, – дея шивирлади Елена.

– Нима? Нима дединг?

¹ Катафалк – дафн маросимида тобут қўйиладиган машина.

У машинани тўхтатди. Сукунат гунг зарбадек бизга ташланди. Сўнгра туннинг ола-говури сиртга чиқди.

— Нима учун кетмаслигим керак экан? — сўради Елена дафъатан. Кучли хаяжондалигини пайқадим. — Наҳотки, тагин бир ўзимни ташлаб кетмоқчисан?

Унинг юзи бошқарув доскасининг кўкиш шуъласида докадек оқариб кўринарди. ССчи зобитларнинг рангпар афтларини эсладим. Июнь тунининг сукунатида теварак-атрофда хали унга, хали бунга тегиниб, ўлим изғиб юрганга ўхшайди.

Шу маҳал бу дунёда нимадан кўпрок кўркишимни англадим: уруш, қайсики кутилмаганда бизни ажратиб юборувчи, кейин, тамом бўлгач, бир-биримизни абадул-абад қидириб тополмайдиган балои офат. Шунга кўра, қай кимса, ҳатто ўзига қаттиқ ишонган ва ўз толеига кўз тиккан ҳолда улкан емирувчи кучга эга бўлган зилзиладан сўнг бирор нарса топа олишига умид қилади?

— Агар сен мени ўзинг олиб кетиш учун келмаган бўлсанг, у ҳолда бу номи йўқ жиноят. Наҳот шуни тушунмасанг? — деди Елена ғазабдан титраб.

— Ҳа, — деб жавоб бердим.

— Нега бекинмачоқ ўйнаяпсан?

— Йўқ. Ўйнашаётганим йўқ, асло. Шунчаки сен бунинг нима эканини билмайсан.

— Сен ҳамма нарсани биласанми? Нега келдинг бўлмаса? Жавоб бер, фақат алдама! Яна бир бор видолашиш учунми?

— Йўқ.

— Унда нега? Шу ерда қолиб, ўз жонингга қасд қилиш учунми?

— Сени ўзим билан олиб кетиш учун келдим. Наҳот ўзинг ҳам шуни ҳалигача тушунмаган бўлсанг?

Унинг юзи шу онда ёришди. Ғазаб йўқолиб, чехраси очилди.

— Ҳа, — дея лаблари шивирлади. — Тушундим. Лекин барибир менга айтишинг керак эди.

Мен бор жасоратимни тўплаб, шундай дедим:

— Мен буни сенга юз марта айтмоқчи бўлдим, Элен, ҳар дақиқада айтишга тайёрман. Бунинг иложи йўқлигини тушунтирганимдан сўнг ушбу мавзуда яна бир қарра жон-жон деб гурунглашаман.

— Иложи бор. Менда паспорт бор.

Мен жимиб қолдим. Бу сўз чакмоқ ми-сол шубҳа-гумонлар булутини тарқатиб юбориб, ярқ этди.

— Сенда паспорт борми? Чет эл паспорти-я?

Елена сумкасини очиб, кичикрок дафтарчани чиқариб менга узатди. Бу паспорт эди. Демак, ёнида олиб юрган экан-да. Мен паспортга муқаддас Граалга¹ қарагандай назар солдим. Дарҳақиқат, у муқаддас эди. Паспорт! Бу фаровонлик, қонун, ҳамма-ҳаммаси эди.

— Анча бўлдим олганингга?

¹ *Муқаддас Граал* — ўрта аср герман дostonларида рицарлар кўриқловчи муқаддас коса.

– Икки йил. Беш йил муддатга олганман. Уч марта фойдаландим. Бир гал Австрияга сафар қилганимда, у пайтлар Австрия мустақил эди, кейин икки марта Швейцарияда.

Паспортни варақладим. Ўзимга келиб олишим зарур эди. Ҳа, бу ҳақиқатдан ҳам чинакам паспорт эди. Паспорт саҳифалари бармоқларим орасида қисирларди. Онгимга энди етиб борди: Ҳа, Елена Германияни ташлаб чиқиб кета олади. Бунгача махфий қочиш ва чегарадан ноқуноний равишда ўтишни режалаштириш мумкин, деб ўйлардим.

– Ҳаммаси оппа-осон кечади, тўғрими? – деб сўради Елена ҳаракатларимни кузатиб.

– Демак, сен поездга бамайлихотир ўтирасан-у, хайё-хуйт деб кетаверасан, – дея яна бир бор паспортга назар ташладим. – Тан оламан, хаёлимга келмагани бу. Лекин Францияга кириш учун визанг йўқ-ку.

– Мен бемалол Цюрихга етиб олиб, ўша ерда Франция визасини олишим мумкин. Швейцариядан чиқиб кетиш учун эса рухсатнома талаб қилинмайди.

– Тўғри. Оиланг-чи? Улар сени қўйиб юборармикин?

– Улардан сўраб ўтирмайман. Чурқ этмайман. Дўхтирга кўриниш учун Цюрихга бориб келишиб лозим, дейман, холос. Аввал ҳам шундай қилганман.

– Ростдан ҳам бетобмисан?

– Албатта, йўқ. Бу бор-йўғи паспорт олиш учун найранг эди. Бу ерлардан бош олиб ке-

тиш учун бахона. Юрагим зик бўлиб кетди бу қарғиш теккан юртда.

Георг Еленадан дўхтир қабулида бўлган бўлмаганлигини суриштиргани ёдимга тушди.

– Демак, хаста эмассан?

– Айтяпман-ку, йўқ. Вахоланки, қариндошларим бунга баҳоли қудрат ишонишади. Мени тинч қўйишлари ва четга чиқиш имконига эга бўлиш мақсадида уларни касаллигимга ишонтирдим. Менга Мартенс ёрдам берди. Қолаверса, Цюрихда Берлин казо-казоларидан да билимлироқ мутахассислар борлигига асл немисни ишонтириш учун ҳам хар доим вақт талаб қилинади.

Елена беҳосдан кулиб юборди.

– Мундоқ маънос бокмагин! Гап ҳаёт-мамот устига кетаётгани йўқ, асло. Тун пардаси остида қочиш эмас-ку бу ахир. Шунчаки бир куни эрталаб дўхтирга кўриниш учун Цюрихга бир неча кунга кетаман. Буни биринчи марта қилаётганим йўқ. Балки шу орқали сен билан кўриша оларман, ўша ёқда бўлсанг агар. Қалай, маъқулми?

– Дуруст. Шундай бўлса ҳам кетяпмиз-ку. Мен ҳамон ўзимни худди навбати билан дам қайноқ, дам муздек сувга пишаётгандай ҳис қиляпман. Нима қаердалигини англолмаяпман. Негадир бу фикр сира хаёлимга келмаган экан. Бу шунчалик оддий бўлиб кўриняптики, хашпаш дегунча ўрмондан СС бригадаси отилиб чиқадигандек.

– Инсон умидсизликка тушганда, азизим, хамма нарса оддий бўлиб кўринади, – деди Елена хушмуомалалик билан. – Жуда галати, тўғрими? Доимо шунақа бўлса керак-а?

– Бу хусусда ҳеч қачон ўйламасак, дердим. Машина тупроқ йўлдан шоссега бурилди.

– Мен эса ҳамиша ана шундай яшашга таппа-тайёрман, – Еленанинг сўзида зигирча-да ноумидлик сезилмади.

Бирга мехмонхонага кирдик. Елена ниҳоятда тезлик билан менинг шароитимга кўникди.

– Холлга сен билан бирга кираман, – деди у. – Аёл етаклаган эркак унчалик шубҳали кўринмайди.

– Бу илмни тез ўзлаштириб оляпсан.

– Бунга сен қайтиб келмасингдан илгари чақимчилик гуллаган пайтлари ўргангандим. Кўкрак уриб, миллий тикланиш, деганлар тошга ўхшайди, ердан тошни кўтариб олганинда эса нажас оқиб тушади. Ўзларининг ифлосликларини яшириш учун тамтарокли сўзлардан бонг уриб фойдаланишади.

Дарбон менга калитни берди. Юкоридаги хонамга кўтарилдим. Елена пастда қолди.

Хонамга кирдим. Чамадон эшик ёнида турибди. Хамма ёқни кўздан кечириб чиқдим. Хона мен сўнгги йилларда яшаб келган ғарибона мехмонхона хужраларидан эди. Бирдан ўйланиб қолдим. Бу ерга қай тахлит келиб қолганимни эслашга уриндим, аммо тасаввурларим чапланиб кетди. Қачон қирғоқ бўйида турганимни ва дарё ортида буталар ораси-

дан караганимни сира эслолмадим, фақат хотирам пучмоқларидан ёғочга тирмашиб сузиб ўтаётганим қалқиб чиқди.

Кўлимдаги чамадонни эскисининг ёнига кўйиб, Еленанинг ёнига тушдим.

– Бу ерда қанча вақт бўласан?

– Машинани бугунок, кечаси қайтаришим керак.

Еленага кўз қададим. Шундай истаклар тўлқини бош кўтардики, тилим айланмай қолди. Мен яшил, жигарранг холл оромкурсиларига, дарбон пештахтасига, ичкаридаги равшан қилиб ёритилган ёзув-чизув жиҳозларига эловланиб қарадим. Еленани хонамга олиб чиқиш маҳол.

– Бирга кечлик қилишга улгурамиз, – дедим. – Кел, ўзимизни эртага тонгда қайта учрашадигандек тутамиз.

– Эртага эмас, индинга.

Индин, албатта, недир аҳамиятга эга эди Елена учун. Мен учун эса индин мавжуд эмасди. Эҳтимол, бу курук рақамлардан иборат ютуксиз лотереядаги арзимас бир имкониятдир. Кеча мўлжалланганимдан кўра ўзгача кутиб олинган индинларнинг анча-мунчасини кўрганман.

– Индинга, – дедим. – Ёки бир кун кечроқ. Об-ҳавога боғлиқ. Кел, бугун бу ҳақда ўйламайлик.

– Мен эса бошқа ҳеч нарса ҳақида ўйлолмаяпман.

Биз кафедрал бутхона ён-веридаги ертўладаги майхонага йўл олдик. Бу эски немис

усулидаги ресторан эди. Холироқ ердаги столга жойлашдик. Бир шиша вино буюртирдим. Олдинда кутиб турган мушкул ишларни кенгашиб олдик.

Елена эртагаёқ Цюрихга жўнашга ахд қилди. Ўша ерда мени кутади. Мен ўзим учун синашта бўлган йўл — Австрия ва Рейн орқали йўлга чиқадиган бўлдим. Цюрихга борибоқ Эленга кўнғироқ қилишим лозим эди.

— Цюрихга етиб боролмасанг-чи? — деб савол ташлади Елена.

— Швейцария турмасидан ёзишим мумкин. Бир ҳафтача кут. Агар мендан хат-хабар бўлмаса, орқангга қайт.

Елена менга узоқ тикилиб қолди. У мен нимани назарда тутаётганимни англаганиди. Немис турмаларидан бир энлик нома ҳам ташқарига чиқмасди.

— Чегара қаттиқ кўриқладими?

— Йўқ. Бу ҳақда ўйлаб бошингни қотирма. Ҳаммаси яхши бўлади. Бу ердан эсон-омон чиқиб кетаман.

Биз айрилиқни ўйламасликка тиришдик, аммо бу қийин кечди. Айрилиқ ҳайбатли устундек ўртамизга туриб олди.

— Ҳаммаси беш йил бурунгидек, — дедим. — Фақат бу сафар бирга кетамиз.

Елена бош силкиди.

— Эҳтиёт бўл! Худо хайрингни берсин, эҳтиёт бўл! Мен кутаман. Бир ҳафта нима бўпти, ундан-да кўпроқ, қанча хоҳласанг, шунча кутаман. Фақат жонингни хатарга қўйма.

— Мен жуда-жуда эҳтиёткор бўламан. Ўтиниб сўрайман, бу ҳақда гаплашмайлик, акс ҳолда сув ва ҳаводай зарур эҳтиёткорликни кўлдан чиқарамиз. Ана унда ишлар пачава деявер.

У кўлини кўлимга қўйди.

— Қайтиб келганингни энди тушуниб етяпман. Ҳозир, яна-тагин бош олиб кетаётганинг-да! Жудаям кеч!

— Мен ҳам. Хайрият, ҳозир бўлса ҳам англаб етдик.

— Жудаям кеч. Айрилиқ азобини тотиб кўриш лозим бўлган бир пайтда.

— Наинки ҳозир. Биз буни ҳамиша билардик. Агар шундай бўлмаганда мен келармидим? Сен мени кутармидинг?

— Мен сени ҳамма вақт ҳам кутмадим.

Мен индамадим. Мен ҳам кутмагандим, бироқ билардимки, оғиз очиб айтишга юрагим бетламасди. Айниқса, шундайин оғир дамда. Иккаламининг ҳам қалб дарвозаларимиз очилганиди, ожиз эдик. Агар вақти келиб қайта бирга бўлиш насиб этса, Мюнстернинг шовкин-суронли ресторанидаги ушбу лаҳзаларга куч ва ишонч топиш умидида яна ва яна қайтамиз, деб ўйладим. Ушбу лаҳзалар икки шаклу шамоилни, яъниким, фалак бизни не кўйларга солмоқчи бўлган ҳамда аслида унинг измида қай қиёфага кирганимизни кўриш мумкин бўлган кўзгуга айланади. Энг асосийси ҳам мана шу.

— Сен кетишинг керак, — дедим. — Эҳтиёт бўлгин. Машинани оҳиста ҳайда.

Унинг лаблари титраб кетди. Шундагина сўзларимдаги кинояни сездим. Биз шамол изғиган кўчада, кўхна уйлар ўртасида турардик.

— Сен ҳам эҳтиёт бўл. Эҳтиёткорлик кўпроқ сенга зарурроқ.

Бирмунча фурсат хонамда бетоқатландим, кейин чидолмасдан вокзалга бордим. Мюнхенга чипта сотиб олиб, поездлар қачон-қачон жўнашини билиб олдим. Биттаси шу кеча жўнаб кетаркан. Ўшанда кетишга қарор қилдим.

Шаҳарнинг уни ўчганди. Ибодатхона майдонида тўхтадим. Қоронғуда кўхна ибодатхонанинг маҳобати элас-элас кўзга ташланади. Мен Елена ҳақида, бўлғусида бизни нима кутаётгани ҳақида ўйга толдим, лекин келажакка синчиклаб разм сололмадим. У қаршимда ибодатхона биқинидаги баланд, қорайиб турган ойналардек гира-шира ва улкан маёқдай узокдан кўринарди. Еленани ўзим билан олиб кетишга рози бўлиб тўғри қилдиммикин? Балки олдинда ҳалокат кутиб тургандир? Не синоат бу: ғайрихитёрый жинойтми ёхуд тақдирнинг мисли кўринмаган совғасими?

Мехмонхонадан берирокда бўғиқ овозлар ва кадам товушларини эшитдим. Подъезддан икки ССчи бир шўрликнинг кетига тепиб, кўчага улоқтиришди. Кўча чироғининг чароғон нури шўрликкага ёғилди ва чўзинчоқ юзга кўзим тушди. Унинг юзи мумдан эди, гўё. Оғзидан иягига тизиллаб қон оқарди. Тепакал, чаккасида бир тутам соч қорайиб кўринди. Мош-

дай очилган кўзларида шундай бир дахшат зухур этгандики, бунақасини умрим бино бўлиб кўрмагандим. Бояқиш миқ этмади. Гўрсўхталар уни сабрсизлик билан олдинга никташарди. Барчаси жимжитликда содир бўлар, бу томошада дилгирлик кучли эди.

ССчилар ёнимдан ўтиб кетаётиб ўкрайганча бошимдан оёғимгача разм солиб қарашди; тутқуннинг нигоҳлари бир сонияга менда тўхтади, ёрдам сўрашни хаёлига ҳам келтирмаётганлиги кўзларидан билиниб турарди. Лаблари пирпирар, лекин чурк этмасди.

Азалий томоша! Жабру зулм малайлари, золимларнинг қурбонлари, бир чеккада эса бечора қурбонни химоя қилишга, озод этиш учун бармоғини ҳам кимирлатиб қўйишга қурби етмайдиган, негаким, ўз жони ўзига ширин бўлган томошабин. Зеро, шунинг учун-да унинг ҳаёти доимо хавф остида.

Махбусга ҳеч қандай ёрдам беролмасдим. Куролланган соқчилар ҳеч бир қийинчиликсиз мени суробимни тўғрилаб қўйишарди. Қачонлардир кимдир менга бир воқеани айтиб берганди. Бир ССчи яҳудийни тутиб олиб ўласа қилиб ураётганини учинчи бир одам кўриб қолибди-ю, ёрдамга ошиқибди. У ССчига шундай қақшатгич зарба берибдики, харом ўлгур ССчи хушдан кетиб йиқилибди.

— Қочдик, — деб хитоб қилибди у махбусга.

Аммо яҳудий ўзининг халоскорига лаънат ёзғирибди; энди аниқ тамом бўлганди, ҳали унинг кунини кўрсатиб қўйишади. Бояги киши

не кўз билан кўрсинки, яхудий қочиш ўрнига кўз ёшларини ичига ютганча сув олиб келиб, кейинроқ ўзини дор остига олиб борувчи ССчини хушига келтирибди.

Шу ёдимга тушди, бироқ енгил тортмадим, чунки саросимада эдим.

Меҳмонхонага кириб, буюмларимни олдим-да, гарчи хали эрта бўлса-да, вокзалга йўл олдим. Хонада зик бўлиб димикқандан кўра кутиш залида ўтиришни маъкул кўрдим. Бу таваккалчилик ҳеч курса ўзимга нисбатан ҳурматимни оширади. Тўғри, бу болаларга хос қилиқ, аммо қўлимдан нима ҳам келарди?

VIII

Тун бўйи поездда юриб, эртаси куни ҳеч бир машаққатсиз Австрияга етиб келдим. Рўзномалар талабномаларга, расмий ваъдаларга, чегара можаролари ҳақидаги хабарларга, яъни уруш олди материалларга тўлиб-тошганди. Энг кулгилиси кучли давлатлар кучсизларни тажоввузкорликда айблашлари эди.

Фельдкирхга келиб, мўъжазгина пансиондан хона олдим. Айни жазирама ёз, ҳамма ёқда сайёҳлар. Икки дардисар чамадоним қаердаки бўлмасин, ҳурмат уйғотарди. Мени малоллан-тирмасликлари учун илгарироқ уларни ташлаб юбориб, иложи борича ўзим билан озроқ буюм олишга жазм қилгандим. Буюмларимни рюкзакка жойладим — энди ҳадеб кўзга ташлана-

вермайман. Пансион бекаси билан бир ҳафтага олдиндан ҳисоб-китоб қилдим.

Эртаси куни йўлга тушдим. Чегара яқинидаги кенг, мўл-кўл ўрмон майсазорига етиб бориб, коронфу тушишини кутдим. Чивинлар аъзои баданимни чақиб ташлашди.

Икки соатча мизғиб олиб, тараддудлана бошладим. Муваффақият қозонишимга ишончим комил эди. Ўн дақиқа ўтмади ҳамки, ердан чиқдим, осмондан тушдим, билмайман, ёнимда божхона назоратчиси пайдо бўлди.

— Жойингиздан қимирламанг! Бу ерда нима қиляпсиз?

У анчадан бери мени кузатаётганини англадим. Унга бор-йўғи бир сайёҳлигимни, шунчаки ўрмонда сайр қилиб юрганимни айтдим. У сўзимга кулоқ солмади.

— Ҳаммасини божхона постида тушунтирасиз, — деб мени олиб кетди. Ортимдан қўлида револьвер тутиб келмоқда. Дилим хуфтон, барбод бўлгандим. Онгимнинг олис бурчида қандай қутулмоқ керак, деган фикр ғужрон ўйнарди. Миршаб тажрибали кўринади. Орамиздаги масофа талайлигидан қўққисдан хужум қилолмасдим. Қочсаммикин? Беш қадам югурмасимданок мени отиб қўйиши тайин.

Божхонада миршаб кичкина хонани очди.

— Кириг. Шу ерда кутасиз.

— Қанча вақт?

— Сўроқ-савол қилинмагунингизгача.

— Устимдан қулфлашнинг нима ҳожати бор? Ҳеч қандай жиноят қилганим йўқ-ку!

– У ҳолда ташвишланмасангиз ҳам бўлади.

– Ташвишланаётганим йўқ, – рюкзакни елкадан туширдим. – Сўроқни бошланг.

– Қачон зарур ҳисобласак, шунда бошлаймиз, – деб иржайди миршаб. Тишлари аъло даражада оппоқ экан. Қилиқларидан овчига ўхшаб кетади. – Тонг сахарда бошлиқ келади. Унғача оромкурсида ухлашингиз мумкин. Кўп кутиб қолмайсиз. Хайль Гитлер!

Ичкарига кўз югуртирдим. Деразага темир панжара қоқиб ташлашибди. Эшик мустаҳкам, ташқаридан кулфланган. Девор ортида гўнфир-гўнфир овозлар эшитилди. Қочиш амри маҳол. Ўтириб кутишдан ўзга чора йўқ. Мени умид тарк эта бошлади.

Ниҳоят осмон оқариб, мовийлаша бошлади. Тонг отди. Қаттиқ овозлар келиб, қахванинг иси турди. Эшик очилди. Ўрнимдан туриб, ян-гитда уйғонгандек ҳомуза тортдим. Хўппасемиз, кип-қизил амалдор кириб келди. Кечагисидан кўра буниси ройишроқ кўринди.

– Хайрият! Одам ҳам бор экан-ку! Бу ер ухлашга ўлгудей ноқулай экан.

– Чегара ёнида нима бор эди сизга? – сўради амалдор ва рюкзагимни титкилашга тушди. Қочиб кетаётганмидингиз ёки контрабанда билан шуғулланасизми?

– Кийилавериб титилиб кетган шим-кўйлақлар контрабандага ярайдими?

– Йўқ ҳам дейлик. Бироқ барибир ярим тунда чегара яқинида нима қилаётгандингиз?

У рюкзакни бир чеккага суриб қўйди. Пулларим лоп этиб ёдимга тушди. Агар топиб олса, тамом бўламан. Шоядки, мени тинтув қилмаса.

– Тунги Рейнни томоша қилиб завқланмоқчийдим. Ахир мен сайёҳман. Қолаверса, хаёлпараст ҳамман.

– Қаердан келяпсиз?

Пансион манзилини айтдим.

– Эрталаб қайтишни кўзлаётгандим. Хона олиб олдиндан бир ҳафтага ҳақ тўлаганман. У ёқда чамадонларим қолган. Нахотки бу контрабанда бўлса?

– Хўш, хўш. Ҳаммасини текшираимиз. Бир соатдан сўнг биз билан ўша ёққа жўнайсиз. Кўраимиз, чамадонингизда нималар бор экан.

Талайгина юрдик. «Хўппасемиз» овчаркадай сергак бўлди. Ёнимда велосипедини миниб, чекиб кетарди. Ахийри етиб келдик.

– Ана ўзи! – пансион деразасидан кимдир бақирди. Зум ўтмай ёнимга бўғриқиб, кип-қизариб кетган бека келди. – Ё Парвардигор! Сизга бирор кори ҳол бўлди, деб ўйлай бошлагандик. Туни билан қаердайдингиз?

Бека эрталаб хонамда бузилмаган кўрпатўшакни кўрган ва мени ўлдиришган деган хулосага келган. Бунинг устига яқин атрофда талон-тарож ҳодисалари бўлиб турганди. Бека полиция чақиртирибди.

– Адашиб қолдим, – дедим имкон қадар хотиржамлик билан. – Боз устига тун ҳам шундай осойишта эдики! Очиқ ҳавода ухлаб

қолибман. Болалигимга қайтгандай бўлдим. Зўр бўлди! Сизларни ташвишга қўйганимдан афсусдаман. Устига-устак, чегара яқинига тасодифан бориб қолибман. Марҳамат қилиб, божхона вакилларига шу ерда туришимни тушунтирсангиз.

Бека мамнуният ила сўзимни тасдиқлади. Божхоначи жавобдан бутунлай коникди, аммо шу ерда полициячи бурнини сукди.

– Сизни қаердан олиб келишди? Чегара томонданми? Кимсиз ўзи? Хужжатларингиз борми?

Нафасим бўғзимга тикилди. Елена берган пуллар кўкрак чўнтагимда эди. Агар топиб олишса, Швецарияга қочмоқчи бўлган, деган шубҳа туғилади. Кейин нима бўлиши ёлғиз Яратганга аён.

Исм-шарифимни айтдим-у, паспортимни кўрсатмадим. Мамлакат ичида немислар ва австрияликлар паспорт олиб юришга мажбур эмасдилар.

– Айнан биз қидираётган жиноятчи эмаслигингизни ким исботлайди?

Мийиғида кулиб қўйдим.

– Куладиган жойи йўқ, – деди аччиғи келиб полициячи ва божхоначи икколови чамадонларимни кавлашга тушишди.

Буларнинг бари ҳазилдек тек туравердим. Лекин ўзимни ҳам тинтув қилиб, пулларимни топишса, нима дейишга хайрон эдим. Бу ёкка келаётганимда бир қатор харидни амалга оширишни кўзлаганимни айтмоққа жазм қилдим.

Иккинчи чамадоннинг ён бўлмасидан амалдор хат топиб олганда шу қадар хайрону лол қолдимки, хатдан ўзим ҳам мутлақо беҳабар эдим. Бу ўша, Оснабрюкдан олган чамадоним эди. Эски-туски нарсаларимни солиб қўйгандим. Уни Елена олиб чиқиб, машинага жойлаганди.

Полициячи хатни очиб, ўқишга тутинди. Нафасимни чиқармай унинг юз ифодасини кузатдим. Хат ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, дея ичимда юрак ховучладим.

Пировардида полициячи кулимсираб менга қаради.

– Исм-шарифингиз Иосиф Шварцми?

Мен бош ирғадим.

– Нега дархол шуни айтмадингиз?

– Мен бошидан бери шуни айтяпман-ку, – деб эътироз билдирдим ва хатнинг юқори қисмида кўришиб турган йирик ёзувни ўқишга уриндим.

– Тўғри айтяпти, менга маълум қилганди, – деди «хўшпасемиз».

– Хўш, демак, бу хат сизга тегишли? – сўради полициячи.

Мен хатга қўлимни узатдим. Полициячи бир сония пайсалга солди-ю, барибир хатни берди. Бу Оснабрюк национал-социалистик партияси маҳаллий ташкилотининг бланки эди. Шошмасдан маттни ўқиб чиқдим. Унда ёзилишича, Оснабрюк партия инстанциялари маҳаллий ҳокимиятдан муҳим махфий топшириқни бажариш учун хизмат сафарига жўнатилаётган национал-

социалистик партия аъзоси Иосиф Шварцга турли йўллар билан кўмак берилишини илтимос қилиб сўрашганди. Қуйида имзо чекилганди: Георг Юргенс, обер-штурмбаннфюрер. Мен Еленанинг хуснихатини танидим.

– Шу тўғрими? – сўради полициячи. Унинг овозида хурмат сезилди.

Паспортимни чиқазиб, исм-шарифимни кўрсатдим-да, қайта қўйнимга солдим.

– Махфий давлат иши, – дедим қисқагина қилиб.

– Шундоқ экан...

– Шундоқ экан, – дедим жиддийлашиб, – етарлича бўлди деб умид қиламан.

– Албатта, – полициячи оқиш-кўк кўзларини қисиб қаради. – Тушунаман. Чегара кузатуви-ми?

Мен огохлантирмоқчи бўлгандай қўлларимни кўтардим.

– Оғзингиздан гуллаб юрманг, илтимос. Бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмаслигим лозим эди. Аммо сизни, кўриниб турибдики, алдаб бўлмас экан. Сиз национал-социалистик партия аъзосимисиз?

– Албатта-да, – деди полициячи.

У малласоч эди. Терлаган елкасига қоқиб-қоқиб қўйдим.

– Барака топинг! Юринг, шунча ишлардан кейин бир стакандан вино отиб оламиз.

Шварц маъюс кулимсираб, менга кўз тикди.

– Кейин нима бўлди? – сўрадим Шварцдан.

– Мен хонамга қайтдим. Беҳад холдан тойгандим. Тинчланиб, бу ёнига нима қилмоқ ке-

раклигини аниқлаб олишим лозим эди. Елена мени том маънода ўлим чангалидан тортиб олганди.

Швейцарияга бир соатдан сўнг тезюрар поезд жўнашини суриштириб билдим. Бекага бир кунга Цюрихга бориб келишимни, ўзим билан биргина чамадонимни олишимни, тез орада қайтиб келишимни, шунинг учун иккинчи чамадонимни қолдираётганимни ва уни сақлаб қўйишини илтимос қилиб айтдим. Шундан сўнг вокзалга қараб кетдим.

– Биринчи классга чипта олдим. Поезд жойдан қўзғалгандагина ёнимдаги пуллар лоп этиб ёдимга тушди. Купега яширолмасдим. Мендан ташқари купеда бўздай оқарган киши ўтирарди. Унинг хаяжонланаётгани сезилиб турарди. Вагондаги иккала ҳожатхона ҳам банд экан. Шу аснода поезд чегара станциясига етиб келди. Беихтиёр вагон-ресторанга ошиқиб кириб, бўш столга ўтирдим ва бир шиша қиммат вино ҳамда бир қатор таомлар буюрттирдим.

– Юкингиз борми? – сўради вагон-ресторан кельнери.

– Ҳа. Биринчи класс кўшни вагонда.

– Балки текширув тугагунча кутиб турарсиз? Жойингизни сақлаб қўярдим.

– Ҳали узок давом этадими, деб кўркаман. Таом келтираверинг, қорним сурнай чалиб юборди. Қочиб кетишимдан ҳадиксирамаслигингиз учун олдиндан тўлашим мумкин.

Вагон-ресторанда текширувдан қутулиб қоламан, деб чучварани хом санабман. Кельнер

вино ва шўрва келтиришга улгурмади ҳамки, икки нафар формадагилар пайдо бўлди. Бу орада пулларни дастурхон ёзилган столдаги на-
мат тўшама остига тикиб қўйдим. Еленанинг хатини эса паспорт ичига солдим.

– Паспорт, – деди қискагина қилиб назоратчи.

Паспортимни узатдим.

– Юк борми? – сўради назоратчи паспортни очиб улгурмай.

– Битта чоғроқ чамадон. Биринчи класс кўшни вагонда.

– Бизга кўрсатишингиз керак, – деди иккинчиси.

Турдим.

– Жойимни обқўйинг, – дедим кельнерга.

– Албатта! Олдиндан тўладингиз-ку.

Биринчи назоратчи ялт этиб менга қаради.

– Олдиндан тўладингизми?

– Ха. Йўкса тушлик қилолмасдим. Чегара ортида хориж валютаси билан ҳисоблашиш лозим бўлади. Менда эса хориж валютаси йўк.

Назоратчи бирданига кулиб юборди.

– Яхши фикр! Қизик, бу кўпчиликнинг хаёлига келмайди. Олдимга тушинг. Яна бир вагонни текширишимиз керак ҳали.

– Паспортим-чи?

– Сизни топиб оламиз.

Купега кирдим. Ҳамроҳим ўшандоқлигича ўтирар, баттар ташвишли кўринарди. Тер селдай оқарди ундан. Рўмолчаси жикқа хўл бўлиб кетибди.

Ойнани очиб, вокзалга қарадим. Агар мени ҳибсга олмоқчи бўлишса, ойнадан сакраш беҳуда. Шундай бўлса-да, очик ойна бирмунча тинчлантиради кишини.

Иккинчи назоратчи эшик олдида пайдо бўлди.

– Юкингиз?

Чамадонимни очдим. Назоратчи бир қур назар ташлаб, ҳамроҳимникига ўтди.

– Яхши, – деди-ю, хайр-хўш қилди.

– Паспортим-чи?

– Шеригимда.

Шериги ўша тобдаёқ келди.

Шварц стаканни қуритди. Умуман туни билан кам ичди. Соатга бир қараб олдим: уч ярим. Шварц буни пайқади.

– Бу ёғи оз қолди, – деди. – Қайиқ ёллашга ва у-бу юмушларни бажаришга етарлича вақтингиз бўлади. Мен бахтли онларга яқинлашяпман, бахт ҳақида эса кўп сўйлаб ўтирилмайди.

– Текширув нима билан яқунланди?

– «Партайгеноссе»¹ Елена ёзган хатни ўқиб чиқиб, паспортимни қайтариб берди ва Швейцарияда танишларим бор-йўқлигини сўради.

Мен тасдиқ маъносида бош силкидим.

– Ким?

– Жаноблари Аммер ҳамда Ротенберг.

Булар Швейцарияда фаолият юритувчи икки нацистнинг исмлари эди. Ушбу мамлакат-

¹ «Партайгеноссе» — яъни, «партиядош»; нацистлар бир-бирини шундай аташган.

да бўлган ҳар бир мухожир уларни танир ва кўрарга кўзлари йўқ эди.

– Яна кимлар?

– Берндаги дўстларим. Ишонаманки, уларни санаб ўтиришим шарт эмасдир?

Назоратчи олдинга қўл ирғитди.

– Албатта! Омад ёр бўлсин! Хайль Гитлер!

Бироқ ҳамроҳимнинг омади юришавермади. Уни барча ҳужжатларини кўрсатишга мажбур қилишиб, чапараста сўроққа тутишди. У терлаб-пишар, дудукланар, қисқаси, аҳволи ачинарли эди. Бунга ортиқ дош беролмадим.

– Вагон-ресторанга қайтсам бўладими? – деб сўрадим.

– Албатта! – деб жавоб қайтарди «партайгеноссе». – Ёқимли иштаҳа!

Вагон-ресторан лик тўла экан. Столимда бир гала америкаликлар ўтиришибди.

– Қани жойим? – деб сўрадим кельнердан.

У елка қисди.

– Жойингизни сақлаб қололмадим. Бу америкаликларга нимаям дердим? Немисчада бирон сўзни тушунишмайди, кўнгиллари тусанган ерга таша ўтираверишади. Сал нарироққа ўтира қолинг. Қайси столда ўтириш барибир эмасми? Виноингизни ўша ёққа олиб қўйдим.

Нима қилишга ҳам хайрон эдим. Америкаликлар вақтичоғлик ва беандишаллик билан жойимни эгаллаб ўтиришарди. Пулларим бекитилган жойда фотоаппаратли ёқимтойгина ўн олти яшар қиз ўтирарди. Жойимни бўшатишларини сўраб оёқ тираб туриб олганимда ҳам бу фақат

омма эътиборини тортарди. Биз ҳали Германия худудида эдик.

Иккиланиб қолдим.

– Ҳозирча ҳов анов столга ўтира тулинг, – маслаҳат берди кельнер. – Аввалги жойингиз бўшаши биланок ўтиб оласиз. Америкаликлар тез тановвул қилишади – бир неча бутербурду апельсин шарбати, тамом. Ана ундан кейин мен сизни чинакам тушлик билан сийлайман.

– Жуда соз.

Пулларни кузата оладиган бўлиб ўтирдим. Қизик, бир дақиқа олдин амал-тақал чегарадан ўтиб олиш учун боримни берардим, энди эса фақат пуллар ҳақида ўйлардим. Поезд Швейцарияга ўтиши ҳаманоқ пулларни қўлга киритиш учун америкаликларга ташланишга тайёр эдим.

Менинг купейимдан бўлмиш жиккаккина бир кишини перрондан олиб ўтиб кетишди. Шўрликка нигоҳ ташлаганимдаёқ унинг ўрнида эмаслигимдан чуқур ғайришуурий мамнуниятни туйдим. Унга раҳмим келди, аммо мени чулғаб олган арзимаган ачиниш хисси ёздигнинг кичкинагина хайр-назри эди, холос. Шубҳасиз, ўша дамда қабих эдим, лекин минг уринганим билан ҳеч иш чиқмасди ва мен қўл қовуштириб туравердим. Эсон-омон кутулиб кетишни хоҳлардим, қолаверса, пулларим ўзимга зарур эди. Ахир улар шунчаки пуллар эмасди – оддий, юлғичларга хос, худбинона бахт – улар хавфсизликни, осойишталикни, жилла бўлмаса бир неча ой давомидаги Елена билан биргалликдаги ҳаётни таъминлайди. Биз ҳеч қачон

бундан халос бўлмаймиз, бироқ иродамизга ён бермайдиган иккинчи «мен»имиз доимо бу томошага чапак чалиб тураверади.

– Жаноб Шварц, – деб унинг сўзини бўлдим, – пулларни қай тарзда кўлга киритдингиз?

– Сиз ҳақсиз, – хижолат чекди Шварц. – Бироз чалғидим, аммо-лекин бу тутуриксиз, баландпарвоз, узун ибора ҳам юқоридаги мавзуга оид. Вагон-ресторанга Швейцария божхона ходимлари киришди. Маълум бўлдики, америкаликларда чамадонларгина эмас, юк вағонида йирик буюмлари ҳам бор экан. Улар кетишди. Кельнер тўғри айтибди: улар апил-тапил овқатланишди-ю, кетишди. Стол йиғиштирилди. Мен ўз жойимга бориб ўтирдим. Кўлимни дастурхонга қўйдим ва андак кабарикни сездим.

– Божхона текшируви битдими? – деб сўради кельнер столга шишани қўяётиб.

– Ҳа, – дедим. – Менга қовурдоқ келтиринг. Биз Швейцариядамизми?

– Йўқ ҳали. Жойимиздан силжишимиз ҳамонок чегарадан ўтамиз.

Кельнер кетди.

Ичимда қачон поезд кўзгаларкин-а, дея тал-васали бетоқатликка тушдим. Ойнадан перронга боқдим. Одамлар елиб-югуришаётир. Смокинг ҳамда калта шим кийган пакана киши бақириб-чақириб никелланган аравада шоколад ва гумбольдқирхен вносини сотмоқда. Терга ботган таниш йўловчи кўринди – бир ўзи вагонга югуриб келяпти.

– Аммо-лекин ичишни ҳам қойилатяпсиз, – кельнернинг овози янгради.

– Нима дедингиз?

– Ўт ўчираётгандек винони сувдай ичяпсиз, дейман.

Шишага кўз солдим. Деярли қуриб қолибди. Қандай ичиб қўйганимни ҳам билмайман. Шу пайт поезд силжиди.

– Яна бир шиша олиб келинг, – дедим.

Кельнер вино келтирди.

– Биз Швейцариядамиз.

Ҳақини тўлаб, тузуккина чойчақа қистирдим.

– Винони ўзингизга олиб қўяверинг, – дедим. – Бир воқеани нишонламоқчийдим, аммо бунга бир шиша ҳам етарли бўлди.

– Оч қоринга ичганингиз учун шундай бўлган.

– Бўлиши мумкин.

Ўрнимдан турдим.

– Балки бугун таваллуд айёмингиздир?

– Юбилейим. Олтин юбилейим.

Купедаги жиккак одам бирмунча жим ўтирди. Тер оқиши тўхтабди-ю, костюм ва кўйлаги ич-ичигача ҳўл бўлиб кетгани якқол кўриниб турарди.

– Швейцариядамизми? – деб сўради ҳам-роҳим.

– Ҳа.

У тагин оғзига талқон солиб ойнадан кўз узмай кетаверди. Ёнгинамиздан швейцарияча номдаги станция сузиб ўтди. Поезд тўхтади. Перронда станция бошлиғи кўринди – чинакам

швейцариялик. Икки швейцариялик полициячи ортишга мўлжалланган юклар уюми олдида жаврашарди. Дўконда Швейцария шоколадлари ва колбасалари сотилмоқда.

Хамрохим деразадан бошини чиқариб, Швейцария рўзномасини сотиб олди.

– Бу Швейцариями? – деб сўради рўзномафуруш боладан.

– Ха. Яна бирон нима керакми? Ўн седана.

– Нима?

– Ўн седана? Ўн сантим¹, газетага.

Хамрохим катта ютуқ олаётгандай пулни санаб берди. Валюта алмашгани кўнглини жойига туширганди. Менга ишонмабди-да. Рўзномани очиб, кўз югуртириб чиқди-да, четга улоқтирди.

Поезд яна йўлга чиқди. Филдираклар аллаётгандай тарақ-турук қиларди. Бенихоё эркинлик хисси вужудимни чулғади. Хамрохим алланималар деб гулдирай бошлади. Қарасам, лаблари кимирляпти, шундагина овозини эшитдим.

– Ниҳоят қутулдик, – деб диққат билан менга тикилди. – Ниҳоят лаънат теккан юртингиздан қутулдик, жаноби «партайгенносе»! Сиз, тўнғизлар, казарма ва концентрацион лагерга айлантирган макондан қутулдик! Худога шукурки, ҳеч қурса Швейцарияда буйруқ берадиган аҳволдамассиз! Ниҳоятки, киши ўттиз иккита тишини қоқиб олишларидан қўрқмай оғиз оча олади! Германияни жаҳаннамга айлантирдинглар, қароқчилар, қотиллар, жаллодлар!

¹ Сантим — юздан бир франк.

Унинг оғиз четлари кўпикланди. Кўзлари кинидан чиқиб кетай дерди. У ногаҳон курбакани кўриб қолиб, жазавага тушган шаллақи аёлга ўхшаб кетарди. У мени-да «партайгенносе»лардан бири ҳисоблади. Шунча гапни эшитганидан кейин у ҳақ-да.

Уни бамайлихотир тингладим. Мен нажот топгандим! Қолгани нима деган гап?

– Сиз анчагина довюрак кўринасиз, – дедим охири. – Бинобарин, мен сиздан йигирма фунт¹ оғирроқ ва ўн беш сантиметрга дарозроқман. Шундоқ эса-да, ичингиздагини тўкиб солинг. Енгил тортасиз.

– Майна қияпсизми? – деб қичқирди ўзидан кетиб. – Ҳозир ҳам устимдан кулмоқчимисиз? Адашасиз! У дамлар ўтиб кетди! Абадулабадга! Чол-кампириمنى не кўйга солдинглар? Улар сизларга нима гуноҳ қилганди? Ҳозир-чи? Ҳозир бутун дунёга ўт кўйишни истамайсизми?

– Уруш бўлади, деб ўйлайсизми?

– Хўш, хўш! Масхара қилишда давом этипсизми! Гўё буни ўзингиз билмайсиз! Минг йиллик рейху дахшатли даражада қуролланган армиянгиз билан кўлингиздан бошқа нимаям келарди? Сиз, маҳоратли жинойтчию қонхўрлар!

– Мен ҳам шу фикрдаман, – дедим-у, баногоҳ кунботардаги офтобнинг илиқ нурлари юзимни эркалаб силаб-сийпаётганини ҳис этдим. – Агар Германия ғолиб чиқса, нима бўлади?

Тер хиди уриб турган костюмдаги одамча менга бакрайиб турди-да, култ этиб ютинди.

¹ Фунт — 453,6 граммга тенг оғирлик ўлчови.

– Агар сизлар ғалаба қозонсанглар, демакки, Худо йўқ экан, – деди у титраб-қақшаб.

– Ўзим ҳам шундай деб ўйлайман.

Жойимдан қўзғалдим.

– Менга яқинлашманг, – деб хириллади у. – Сиз хибсга олинасиз! Мен поездни тўхтатаман! Сизни фош қиламан! Шундоғам сизни сотиш керак ўзи. Чунки сиз жосуссиз! Нима ҳақда гаплашганингизни эшитдим!

«Шу етмай турувди», – деб ўйладим ичимда.

– Швейцария – эркин давлат, – дедим. – Чақимчилик асосида хибсга олишмайди бу ерда. Германияда буни ўзингизга касб қилиб олгансиз, шекилли.

Чамадонимни олиб бошқа купега ўтиб кетдим. Бу савдойига ҳеч нарсани тушунтириб ўтиришни истамадим. Унинг ёнида нафратим қўзий бошланганди. Нафрат – қалбингни ўювчи захри қотил, ўзинг нафратланасанми ёхуд ўзганинг нафратига дучор бўласанми, фарқи йўқ. Мен бунга жаҳонгашталигимда амин бўлдим.

Шундай қилиб, мен Цюрихга келдим.

IX

– Шундай қилиб, сиз Цюрихга келдингиз, – дедим сабрим чидамай.

Шварц бемажолгина кулиб қўйди.

– Кетдик бу ердан.

– Қаёққа?..



– Яқин атрофда уззукун очик бўладиган қовоқхона топилиб қолар. Бу ер рақс тушиладиган ва уруш-уруш ўйналадиган мазорга ўхшайди.

Шварц ҳисоб-китобни қилиб, кельнердан шу атрофда ресторан-песторан бор-йўқлигини сўради.

Кельнер ён дафтарчасидан бир парча қоғоз йиртиб олиб, манзилни ёзди ва йўлни тушунтирди.

Ташқариладик. Тун нафис эди. Кўк юзини юлдузлар қоплаган, осмон этаги ва денгиз сайхонлиги туташиб-бирлашиб кетганди, дам ўтмай барчаси зангори туманда кўринмай қолди. Само янада юксаклашди. Денгиз ҳамда гулларнинг иси кучлироқ анкиди. Бари очик кундан дарак.

Чарақлаган қуёш нурида Лиссабон дўлвар-ғайритабий, мафтункор тусга киради. Лекин тунда зимистонга фарқ бўлган махбубига энгашаётган хушчакчак жувон сингари бутун қирғоқбўйи поғона-поғона текис майдонлари ҳамда чироқлари билан денгизга бош қўяётган шаҳар ҳақида ғалаёнли эртаққа айланади.

Бирмунча вақт камина ва Шварц тек қотдик.

– Бир замонлар биз ҳам ҳаётни шундай тасаввур этгандик, тўғри эмасми? – деди у маъюс. – Чексизликка қараб кетаётган минглаб чироқлар ва кўчалар.

Мен ҳеч нарса деб жавоб қилмадим. Мен учун ҳаёт Тахода қалқиб турган кемадан ибо-



рат эди, унинг йўли чексизликка эмас, Америкага олиб боради.

Мен саргузаштлардан тўйганман — ҳаёт бизни палағда тухумдай ҳар кўйга солган.

— Ўшанда Цюрих менда худди сиз ушбу тун Лиссабондан ҳайратланаётганингиз каби таассурот қолдирганди, — деди Шварц. — У шаҳарда мен учун ҳаммаси қайтадан бошланди. Вақт — бу ўлимнинг кучсиз дамламаси. Бу дамламани бизга гўё зарарсиз уйку доридай аста-секинлик билан қўйиб беришади. Аввалбошда у бизга ғайрат бағишлайди ва биз умри боқийлигимизга ишона бошлаймиз. Аммо у кун ортидан кун ўтиб, тома-тома ўткирлаша боради ва пировардида қонимизни булғаб, путур етказувчи, емирувчи зардобга айланади.

Ҳатто қолган умримиз баҳосига ёшликни сотиб олмоқчи бўлган тақдиримизда ҳам бу ишни шунинг учун рўёбга чиқаролмаймизки, вақт зардоби бизни айнитган, кимёвий бирикишлар аввалгидай эмас, энди мўъжиза даркордир...

Шварц нутқидан тўхтаб, милт-милт этаётган шаҳар тунига боқди.

— Бу тун ҳаётимдаги энг бахтлиси бўлиб хотирамда қолишини истардим, — пичирлаб гапирди Шварц. — Лек энг даҳшатлиси бўлиб қолди.

Биз пиллапоярларда турардик. Тонг бўзариб келарди, шунда Шварц кўзимга гўё ойпарастдек, гўё қайғули унутилмас тун тимсолидек узоқдан кўриниб кетди. Дафъатан унга ачиндим.

Кейин бандаргоҳга қараб юриб кетдик.

Биз ўзун қиялама зиналар бўйлаб тепаликдан олиб тушувчи кўчага етиб келдик. Кундузи бу ерда қандайдир байрам бўлган кўринади. Уйлар орасидаги симчивиқларда сўлиб қолган гул шокилалари хануз осилиб турар, буруқсик хиди таралар, у ер-бу ерда лола шаклидаги каттакон абажур билан безатилган чироқлар саф тортганди.

— Мана шу ерда лангар ташласак ҳам бўлади, — деди Шварц ва чироғи ёник ковоқхона эшигини очди. Юзининг қоралигидан Лиссабон офтоби билан танишлиги билиниб турган барваста бизни ўтиришга лутф этди. Ковоқхона соҳиби фақат вино ва совиб қолган коворма балиқ борлигини маълум қилди.

— Цюрихда бўлганмисиз? — савол ташлади Шварц.

— Ҳа. Швейцарияда мени тўрт марта полиция тутиб олган. Турмалари хўб яхши. Францияниқидан аълороқ. Айниқса қишда. Афсуслар бўлсинким, агар дам олмоқчи бўлсангиз, икки ҳафтадан ортик ушлаб туришмайди. Қўйворишга қўйворишади-ю, чегарада кордебалет¹ бошқатдан бошланади.

— Чегарани очикчасига кесиб ўтиш қарори ичимдаги алланимани озодликка чиқарди, — деди Шварц. — Ногоҳ қўрқувдан асар ҳам қолмади. Кўчада полициячини кўриб қолганимда юрагим

¹ Кордебалет — балетда кўп кишилиқ рақсларни ижро этувчи артистлар гуруҳи.

увишмади. Тўғри, андак чўчидим, лекин кейинги ондаёқ ўзимни эркин ҳис этдим.

– Рафиқангизни Цюрихда учратдингизми? – деб сўрадим астагина.

– Уни меҳмонхонада учратдим. Мен оғзи йўқ, тили йўқ ўтмишнинг беш йили давомида ипсиз боғланиб, бутун борлиғим билан севган аёлимни учратдим. Йиллар бу аёлга ўз ҳукмини ўтказолмаганди. Елена чегарани кесиб ўтгандан буён вақт захри унга таъсир ўтказолмай қолганди.

Энди ўтмиш бизга бош эгарди. Ўтган йилларнинг мазлум манзараси ўрнига ўтмиш фақат иккимизни тасвир этарди. Биз қуршовдан ёриб чиққандик.

– Цюрихда қолдингизми?

– Бу шаҳарда бир хафтагина яшадик. Фақат ўша ерда, алғов-далғовли Оврўпадаги ягона давлатда дунё остин-устун бўлишини ҳис этмаслик мумкин эди. Бисотимизда бир қанча ойга етадиган пул бор эди. Елена қимматбаҳо тақинчоқларини ҳам олганди. Францияда мархум Шварцнинг суратларини сақлаб қўйгандим.

О, 1939 йилнинг ёзи! Кунлар илиқ, сокин, ҳаловатли эди. Кейинроқ Лаго Мажорига¹, Швейцария жанубига жўнаб кетганимизда кунлар янада дилбар тус олди.

Елена оиласидан мактуб олиб турди. Баъзан унга қўнғироқ қилишарди. Бу ёққа келаётганда уларни фақат Цюрихга дўхтири

¹ Лаго Мажори — Швейцария жанубидаги қўл.

хузурига кетаётганлигидан огоҳ этганди. Қариндошларига аъло даражадаги алоқа тизимининг шарофати билан унинг манзилени билиб олиш қийинчилик туғдирмади. Уни таънаю ёзғириқларга қўмиб ташлашди. У ҳали ҳам Германияга қайтиши мумкин эди. Бир қарорга келиш керак эди.

Биз бир меҳмонхонада, лекин алоҳида-алоҳида хоналарда турдик. Биз эр-хотин эдиг-у, паспортларимизда ҳар хил фамилиялар битилганди. Қоғозбозлик ҳукм сурган бир замонда биз бирга яшашга ҳақли эмасдик. Бир қонун бизни эр-хотин деб тан олган бўлса, бошқаси бизни ажратиб турарди.

Бир куни эрталаб Еленанинг хонасига кирганимда жаноб Краузе деган нусхани учратдим. Елена уни менга немис элчихонасининг ходими деб таништирди. Остона ҳатлаб кирганимни биламан, рафиқам менга французчалаб бидирлай кетди ва мени Ленуар деб атади. Краузе фаҳмламади, у мендан машхур рассомнинг ўғли эмасмисиз, деб сўради. Унинг французча талаффузи жуда қўпол чиқди.

Елена кулиб юборди.

– Жаноб Ленуар женевалик. Шунга қарамай, у киши немисчада ҳам қотириб гаплашадилар. Ренуар билан у кишини рассомнинг суратларидан завқланишгина яқинлаштириб туради.

– Сиз импрессионистлар сувратларини ёқтирасизми? – дея юзланди менга Краузе.

– Жаноб Ленуар ўз коллекцияларига эгалар, – деди Елена.

– Менда бир нечта сувратлар бор, ҳолос, – деб эътироз билдирдим.

Мархум Шварцдан мерос қолган коллекцияни тилга олиш менга ортиқчадай туюлди. Бу, албатта, Еленанинг янги хархашаси эди. Бирок унинг айнан шу хархашаси мени концентрацион лагердан қутқариб қолганини эсдан чиқармаган ҳолда ўйинга киришдим.

– Оскар Рейнгартнинг Винтертурда сувратлар тўплами тақсирга маълумми? – назокат ила сўради Краузе.

Мен бош ирғадим.

– Рейнгартда камина ҳаётимнинг бутун бир ойини беришга тайёр бўлган Ван Гогнинг бир асари бор.

– Айнан қайси ойини? – қизиқсинди Елена.

– Ван Гогнинг қайси асари экан? – сўради Краузе.

– «Ақли заифлар уйидаги боғ».

Краузе иршайди.

– Ажойиб асар!

У бошқа рангтасвир асарларидан гап очиб, Луврга ўтди. Шу ерда мархум Шварцни ёрқин хотиралар билан ёдга олдим. Мархумнинг мактаби шарофати ила суҳбатни қизитиб турдим. Еленанинг ҳийласини шундагина тушундим: қандай қилиб бўлмасин, унинг эри ёки муҳожир эканимни Краузе билиб қолишидан қочишни истаганди. У ёки бу давлатдаги немис элчихоналари полиция манбаларидан олинган маълумотлар билан кифояланишмасди. Краузе Елена билан муносабатларимиз қанақа

эканлигини ўсмоқчилаб билиб олишга уринаётганини англадим. Елена унинг ниятини олдиндан сезиб, савол беришидан бурун шу захоти менинг Люсьен исмли рафикамни ҳамда икки фарзандим борлигини, тўнғич қизим пианинони қойилмақом қилиб чалишини ўйлаб топди.

Краузе чакқонлик билан бир менга, бир Еленага синчков нигоҳ ташлаб олди. У фурсатдан фойдаланиб кўл ёқасидаги бирорта мўжазрок ресторанда яна бир бор учрашишни таклиф қилди. Ахир тасвирий санъатни тушунадиган кишини ҳар куни учратавермайсан.

Мен бажонидил рози бўлдим – насиб бўлса, бир ой-бир ярим ой ўтиб, Швейцариядан қайтганимдан сўнг учрашамиз. Мени Женевада яшайди, деб ҳисоблаб Краузе ҳайрон қолди. Асли женевалик бўлсам-да, Бельфортда истиқомат қилишимни тушунтирдим.

Бельфорт Францияда жойлашган, шу боис менинг сўзларимни текшириб кўришга осонликча эришолмайди. Хайрлашаётиб ўзини тийиб туролмасдан ўзига хос сўроқнинг сўнгги саволини берди: Елена ва мен қаерда танишганмиз, негаки истараси иссиқ одамлар бир-бири билан камдан-кам учрашишади.

Елена менга бир қараб олди.

– Дўхтир ҳузурида, жаноб Краузе. Беморлар кўпинча... – Елена алам билан кулимсиради, – хатто миясидаги асаблар ўрнига мушаклар ўсувчи такаббур барзангилардан кўра истараси иссиқ бўлади.

Краузе бу кесатикка жавобан мунофикана тиржайди.

– Сизни тушунаман, хоним.

– Сизларнинг Германиягизда Ренуарнинг обрўси бир пул бўлмаганмиди? – деб сўрадим Еленадан қолишмаслик учун. – Ван Гогнинг-ку шармандаси чиққандир?

– О, фақат билагон кўзи билан қаралганда эмас! – деб эътироз билдирди Краузе яна бир маротаба фирибгарларча нигоҳ ташлаб. Кейин чиқиб кетди.

– Нимага келибди? – деб сўрадим Еленадан.

– Айвоқчилик қилгани. Бу ёққа кирмагин, деб огоҳлантирмақчи эдим-у, улгурмадим. Ака-жоним жўнатибди. Ҳаммаси жонимга тегди!

Гестапонинг даҳшатли қўллари чегарани ҳам бузиб ўтиб, шу ергача узалган ва унинг чангалидан ҳали-вери сирғалиб чиқиб кетганимизча йўқлигини эслатиб қўйганди. Краузе Еленага вақт топиб элчихонага бирров кириб ўтишини илтимос қилибди. Шунчаки паспортга яна битта муҳр босиш керак, чет элга чиқиш учун рухсат маъносида. Буни аввал унутишган кўринади.

– Айтишига қараганда, қандайдир янги фармойиш бормиш, – қўшимча қилди Елена.

– Лақиллатяпти, – дедим. – Йўқса, бундан хабар топардим. Бунақа нарсаларни муҳожирлар дарров исини олишади. Агар элчихонага кирсанг, паспортингни олиб қўйишлари мумкин.

– Сенга ўхшаб мен ҳам муҳожир бўлиб қоламанми?

– Ҳа. Агар Германияга қайтиб кетмасанг.

– Мен қоламан. Элчихонага ҳам бормайман. Ортга ҳам қайтмайман.

Биз бу хусусида бафуржа гаплашмагандик. Қарор қабул қилинганлигини тушундим. Мен ҳеч нарса демасдан Еленага боқдим: унинг орқасида осмонни, дарахтларни, жилоланаётган кўлни кўрдим. Орт томондан ёруғлик тушиб, Еленанинг чехраси сояда қолди.

– Қайғурма, бу қўйган қадамимнинг оғири сенга тушмайди, – деди шошиб. – Бунга мени сен кўндирганинг йўқ асло. Гап сенда эмас. Агар бу ерда бўлмаганингда, ўлсам ҳам қайтмасдим. Кўнглинг жойига тушдимми?

– Ҳа, – дедим эсанкираб ва бироз ўсал бўлиб. – Аммо минбаъд бу ҳақда ўйламагандим.

– Биламан, Иосиф. У ҳолда бу ҳақда ортиқ гаплашмаймиз. Ҳеч қачон.

– Краузе яна келади. Ёки бошқа биронтаси. Елена тасдиқнамо бош силкиди.

– Улар сўраб-суриштириб кимлигини билиб олишлари турган гап. Кейин изингга тушишади. Кел, жанубга кетамиз.

– Италия биз учун берк. Гестапо ва Муссолини полициясининг тили битта.

– Жануб фақат Италиядан иборатми?

– Йўқ. Швейцария жанубига, масалан, Тессин кантонига¹, Локарно ёки Луганога бориш мумкин.

¹ Кантон – Швейцария таркибига кирувчи ҳар бир ўлка.

Кечкурун жўнадик. Беш соатдан сўнг Лаго Мажоре бўйидаги Аскон майдонида, Цюрихдан беш соат эмас, нақд эллик соатлик олисда ўтирардик. Атроф-жавониб Италия яқинлигидан сўйлайди. Хамма ёқда сайёҳлар тўлиб тошган, шундай туюлардики, кишилар ҳаётдан тезроқ бахра олишни ўйлашарди: қулоч отиб чўмилишар, шўнғишар, офтобда тобланишарди.

– Францияга қачон кетдингиз?

Шварц бош ирғади.

– Сиз ҳақсиз. Юкоридагиларнинг барчаси муқаддима эди. Франция — бу ломаконларнинг нотинч маконидир. Бир ҳафтадан кейин Елена жаноби Крауздан нома олди. Елена зудлик билан Цюрихдаги ёки Луганодаги немис элчихонасида муҳим масала юзасидан ҳозир бўлиши лозим эди.

Бу ерлардан ҳам бош олиб кетишимизга тўғри келди. Швейцария ўта тор ва обод эди. Қаердаки тўхтамайлик, бизни искович итдай топиб олаверардилар. Қалбаки паспортим фoш бўлиб, сургунга дучор бўлишим кундай равшан эди.

Биз Луганога бориб, француз элчихонасига виза учун кирдик. Бир қатор қийинчиликларни олдиндан сезгандим, лекин иш силлик кўчди. Биз бир йиллик сайёҳлар визасини олдик. Мен бўлсам узоғи билан уч ойга рухсат берадилар, деб тахмин қилгандим.

– Қачон йўлга тушамиз? — сўради Елена.

– Эртага.

Сўнгги окшом қўл устидаги тоғ ёнбағрига ёпишган қалдирғоч инидек чокқина кишлокдаги Альберто делла Пост боғининг тамаддихонасида кечлик қилдик. Дарахтлар орасидан чироқлар милтиллаб кўринади. Томлар тепасида мушуклар сакраб юришади. Боғнинг қуйисидан атиргул ва ёввойи ясмин ифори анқийди. Айтишларича, Рим салтанати даврида қўлдаги оролда Венера¹ ибодатхонаси бўлган ва унга ҳеч бир ёв дахл этолмаган экан. Қўнғир тоғлар тиниқ самода бўлакча кўринарди. Биз спагеттихўрлик қилиб, маҳаллий винодан симирдик. Бу окшомнинг нақадар нафис ва андухли эканлигини таърифлашга тил ожиз.

– Афсус, бу ерлардан кетишга мажбурмиз, — ўксинди Елена. — Мен жон-жон деб ёзни шу ерда ўтказган бўлардим.

– Ҳали бу гапингни кўп такрорлайсан.

– Нимаям дердим, яхшиликкадир бу шояд.

Мен унинг қўлларини ушладим. Териси қорамтир. Икки кун бўлмаёқ офтобда қорайиб улгурибди. Кўзлари порлайди.

– Мен сени жонимдан ортиқ севаман! — дедим. — Мен сени ушбу дамда ва мангу севаман, кўз очиб юмгунча ниҳояланадиган ёзни ҳам, манави пурвиқор тоғларни ҳам, улар билан видолашув лаҳзаларини ҳам ва умримда илк бор ўзимни-да севаман, чунки энди мен биргина сени акс эттирувчи кўзгуга айландим ва икки

¹ Венера — қадимги Рим афсоналарида муҳаббат ва гўзаллик маъбудаси.

хисса кўпроқ сенга эга бўламан. Ушбу кеча ва ушбу дам энг бахтли онларимиз бўлиб қолсин!

– Хар бир онимиз саодатли бўлсин! Бахтимиз учун қадах кўтарайлик. Сен учун! Ўзинг айтишни ёқтирмайдиган ва лоладек қизаришинга сабаб бўлган сўзларни юрак ютиб менга айта олганинг учун.

– Хозир ҳам қизариб кетдим-а? Менга бир оз вақт бер. Кўникиб олишим керак. Бу ерда одамлар қанчалар бахтиёр! Ёввойи ясиннинг тароватини қара! Кельнернинг айтишича, ўрмонда қулинг ўргилсин ясин тикилиб ётганмиш.

Винони ичиб тугатиб, тор кўчалардан тоғ ёнбағри бўйлаб юқорилаган йўлга чиқдик. Йўл Асконага олиб борарди. Йўл тепасида хоч ва атиргулларга тўла қишлоқ қабристонини осойишта ётарди. Жануб — бу кўнгилни суст кетказувчи ўлкадир. У ўй-фикрларини ҳайдаб орзу-хаёлларни парвоз этишга ундайди.

Гўё азим байроқдай бошимиз узра кўк ёйилиб ётарди. Худдики, бу дақиқа сайин кенгайиб бораётган коинот тугидек самода тобора кўплаб юлдузлар кўринди. Кўлнинг ойнадек сип-силлиқ юзида Аскона қахвахоналарининг чироқлари йилт-йилт қиларди.

Биз вақтинчалик ижарага олган хужраимизга келдик. Уй кўл ёқасида эди.

– Яна қанча умримиз қолдйкин? — дабдурустдан сўради Елена.

– Агар эҳтиёткор бўлсак, бир йил, балки яна ярим йилдир.

– Эҳтиётсиз бўлсак-чи?

– Фақатгина ёзни ўтказамиз.

– Кел, бўлмаса, эҳтиётсиз бўламиз.

– Ёз жудаям қисқа.

– Ҳали шунақами? — деди кутилмаганда Елена қизишиб. — Ёз қисқа, умр ҳам қисқа, лекин уни нима қискартиради? Унинг қисқалигини билишимизми? Умрнинг қисқалигини дайди мушуклар биладими? Қушлар биладими? Капалакчи? Улар умрни абадий деб ҳисоблашади. Ҳеч ким уларга буни айтмаган. Нима учун бизга айтишди?

– Бунга жавоблар кўп.

– Лоқақал биттасини айт-чи.

Бир қоронғи хонада турардик. Эшик ва деразалар ланг очик.

– Биттаси шуки, агар ҳаёт абадий бўлганда унга тоқат қилиб бўлмасди.

– Зерикарли бўларди, демокчимисан? Маъбудлар ҳаёти сингарими? Бу нотўғри. Кейингисини айт.

– Ҳаётда бахтдан кўра бахтсизлик кўпроқ. Умрнинг абадий эмаслиги эса раҳмдиллик, холос.

Елена индамай турди.

– Барчаси ёлғон, — деди ниҳоят. — Дунёга устун бўлмаганимиз учун ҳам шундай деймиз. Биз ҳеч нарсани тўхтатиб қололмаймиз. Бунда ҳеч қандай раҳмдиллик йўқ. Ўзимиз уни тўқиб чиқарамиз. Умид қилиш учун ўйлаб чиқарамиз.

– Аммо, барибир, бунга ишонамиз-ку?

– Мен ишонмайман.

– Умидга ҳам-а?

– Хеч нарсага. Бундай хулосага ҳар бир киши дуч келади, – у апир-шапир ечиниб кўйлагини каравотга иргитди. – Ҳатто аристон ҳам, айтайлик, бир марта қочишга муяссар бўлган эса-да.

Мен унга яқинлашдим. У очик эшикдан ташқарига югуриб чиқди.

– Сенга нима бўлди, Элен? – дедим тонг қотиб. Ховли хонага қараганда ёруғроқ эди. Еленанинг юзидан ёш оқаётганини кўрдим. У ҳеч нарса демади, мен ҳам ортикча тихирлик қилмадим.

– Кайфим ошиб қолди, – деди у секингина. – Кўрмаяпсанми?

– Йўқ.

– Ҳаддан ташқари кўп вино ичиб юбордим.

– Аксинча, жудаям кам. Менда яна битта шиша бор. – Уй ортида ястаниб ётган тош столга «Фиаско настрано»¹ни кўйдим-да, стакан олгани хонага кирдим.

Қайтиб келганимда Елена кўлга тушаётганди. Қадамимни секинлатдим. Стаканларни тўлдирдим; само ва кўлнинг оқиш шуъласида вино қоп-қора бўлиб кўринди.

Ям-яшил майсалардан бир-бир босиб қирғоқ бўйидаги пальма ва самбитгуллар томон юрдим. Ногаҳоний ваҳима кўнглимга чўкди. Еленани кўриб энгил нафас олдим.

¹ Вино нави.

У бошини солинтириб сувда турарди. Қиёфаси ажабтовур эди, худди қандайдир нидони кутармиди-эй?! .

Мен ҳайкал бўлиб қолдим – унга мўралаб қараш учун эмас – шунчаки чўчитиб юборишдан кўркдим. Дам ўтмай чуқур хўрсиниб қаддини ростлади-да, сувга шўнғиди.

Сузиб кетганини кўриб, уйга кириб пахмок чойшаб ҳамда чўмилиш халатини олиб келдим. Кейин каттакон юмалоқ гранит тошга ўтириб кутдим. Мен унинг бошига, баланд қилиб турмакланган сочига қарадим – сип-силлик сув юзасида у митти бўлиб кўринарди – ва бу фоний дунёда ундан бўлак ҳеч кимим йўқлигини ўйладим. Мен уни бакириб чакиргим келди. Аммо у менга номаълум алланимани енгишга ҳаракат қилаётганини, бу айни фурсатда рўй бераётганини эс-эс ҳис этдим. Сув унинг қаршисида тақдир, савол-жавоб ролида гавдаланган ва бу тўсиқни ўзи енгиб ўтиши керак эди. Ҳар бир банда ҳам шундай йўл тутади, ўзга инсоннинг бу ҳолатда қила олиши мумкин бўлган бурчи – ўз яқинига бир чимдим меҳр керак бўлганида унинг ёнида бўлишидир.

Елена сувда айлана ясаб, қирғоққа, тўғри менга қараб сузди. Унинг яқинлашиб келаётганини кўриш, нафармон кўл сиртида қорайиб кўринаётган азиз бошига кўз тикиш қандай саодат! У сувдан чиқди – нозикниҳол, тиниқбадан – ва истиқболимга чопиб келди.

– Жудаям совук ва вахимали. Оксочнинг айтишича, сувнинг тубида бахайбат саккизоёк яшармиш.

– Чўртанбалиқдан йирикроғи йўқ бу кўлда, – дедим уни чойшаб билан ўраб.

– Агар биз сувда саккиз оёқ бор, деб ўйласак, у бўлиши шарт. Дунёда йўқ нарсани тасаввур қилолмаймиз.

– Тангрининг мавжудлигига гўзал исбот.

– Нима, сен ишонмайсанми?

– Бу кеча ҳамма нарсага ишонаман.

Елена пинжимга кирди. Эгнидан хўл чойшабни олиб ташлаб, халатни узатдим.

– Нима деб ўйлайсан, биз бир неча хаётда яшарканмиз. Шу тўғримикин?

– Ха, – деб жавоб бердим ўйламай-нетмай.

– Яратганга шукур! – оғир тин олди. – Хозир бу тўғрида бахслашолмайман. Чарчадим. Бунинг устига яхлаб қолдим. Кўл ҳам ўзи тоғ кўли-да.

Кечликдан кейин тамаддихонадан битта граппа ҳам сотиб олгандим – узум сувидан тайёрланган француз шароби. Жуда ўткир. Шундай дақиқаларда танга даво. Ўшани олиб келиб Еленага бир стакан куйиб бердим. Елена шошмасдан майдалади.

– Бу маскандан кетгим келмаяпти, – деди Елена.

– Эртага эсингдан чиқади. Парижга борамиз. У дунёдаги энг ажойиб шаҳар.

– Инсон қаердаки бахтли бўлса, ўша ер ажойибу ғаройибдир. Баландпарвоз қилиб гапирмадимми, ишқилиб?

Мен кулиб қўйдим.

– Тупурдим! Баландпарвоз сўзлар янада зиёда бўлаверсин. Айниқса, шундайлари. Граппа ёқдимми? Яна ичасанми?

У бош ирғади. Ўзимга ҳам қўйдим. Биз майсазордаги тошкурсида ўтирардик. Еленани уйқу элитди. Мен уни ётоққа кўтариб бордим. У қўйнимда ширин уйқуга кетди.

Тун қоронғуси қуюклашди. Очик эшикдан майсазор кўриниб турибди. Аста-секин майсазор кўк рангга кирди, кейин шудрингдан қумушранг тус олди. Бир соатдан сўнг Елена уйғонди. Ўрнидан туриб, сув ичгани ошхонага борди. Қўлида хат билан қайтиб келди. Биз тамаддихоналигимизда ташлаб кетишибди.

– Мартенсдан.

Елена хатни ўкиб бўлиб, бир четга олиб қўйди.

– Шу ердалигингни биладими? – деб сўрадим.

Елена бош силкиди.

– Мартенс қариндошларимга бу ёққа шифокорга кўрингани унинг маслаҳати билан келганимни ва икки ҳафта қолиб кетишимни айтибди.

– У сени даволаганми?

– Баъзида.

– Сенга нима бўлганди?

– Айтирли ҳеч нима, – деди-да, хатни сумкасига солиб қўйди.

Менга ўқитгани қўймади.

– Бу чандикни қаердан орттиргансан?

Ингичка оқ чизик қорнини кесиб ўтганди. Аввал ҳам кўргандим, лекин офтобда қорайган терида яққолроқ чиқиб турарди.

– Кичкинагина операция. Ҳеч гап эмас.

– Қанака операция?

– Азизим, бу ҳақда гапирмайдилар. Биласан-ку, аёлларда ҳар хил вазият бўлади.

Елена чирокни ўчирди.

– Яхшиямки, сен келиб мени олиб кетдинг, – деб қулогимга шивирлади. – Мен ортиқ дош беролмасдим. Мени сев! Севиб-ардоқла ва бошқа нарса ҳақида сўрама. Ҳеч нарса ҳақида. Ҳеч қачон.

X

Биз Парижга келиб, Сенанинг чап қирғоғидаги «Августинлар» кўчасида жойлашган мўъжаз меҳмонхонадан квартира олдик. Лифт йўқ, зинапоялар эски, қинғир-қийшиқ, хоналар тор. Бироқ дарё бўйидаги саххофлар пештахтаси, Сена, Консьержери¹, Париж Биби Марям ибодатхонаси кўзга ташланиб туради.

Қўлимизда паспортларимиз бор, ўзимизни одам деб хис қилардик.

1939 йилнинг сентябригача биз одам ҳисобланардик. Ўшангача, очигини айтганда, паспортимизнинг рostaкам ёки қалбакилиги аҳамиятга эга эмасди. Тўғри, «аломат уруш»² бошланганда буни сира аҳамиятсиз деб бўлмасди.

¹ *Консьержери* – Париждаги номи чиққан қамоқхона.

² «Аломат уруш» – II жаҳон урушининг биринчи ойларида француз-немис frontiдаги сокинлик даври.

– Бу ерда ниманинг ҳисобига кун кўрдинг? – деб сўради Елена июлнинг ажойиб кунларининг бирида, аниқроғи, ташрифимизнинг учинчи кунинида. – Иш-пишга кирдингми?

– Албатта, йўқ. Ҳатто мавжуд бўлмоққа ҳам ҳаққим йўқ эди. Қандай қилиб ишлашга рухсатнома олардим?

– Унда қандай тирикчилик қилдинг?

– Худо ҳаққи, ўзим ҳам билмайман. Ўзимни ўтқа-чўкка урдим. Онда-сонда ақча ишлаб олдим. Францияда, хайриятки, ҳамма фармойишлар ҳам айнан ижро этилавермайди. Гоҳида бирорта майда ишга зимдан ёлланиш мумкин. Бозорда ҳаммоллик қилдим. Кельнер ҳам бўлдим. Кўйлак, бўйинбоғ, ёқачалар сотдим. Немис тилидан дарс бердим. Ахён-ахёнда муҳожирларга ёрдам бериш қўмитасидан у-бу нарса тушиб турди. Майда-чуйда буюмларимни сотдим. Хайдовчи бўлиб ишладим. Швейцария рўзномалари учун мақолачалар ёздим.

– Яна журналистлигинга қайтмадингми?

– Йўқ. Бунинг учун истиқомат гувоҳномаси, ишга киришга рухсатнома керак. Охирги хунарим хатжилдлар устида манзил ёзиш бўлди. Кейин Шварц пайдо бўлди ва черков тан олмайдиган ҳаёт бошланди.

– Нега черков тан олмайдиган?

– Сохта, яширин, номаълум бўлиб ўликнинг паноҳида яшаш эди бу.

– Буни сал бошқачароқ аташингни истардим.

– Хоҳлагандек аташ мумкин буни: қўшалок ҳаёт, ертўладаги ҳаёт, иккинчи ҳаёт. Аниқроғи,

иккинчи ҳаёт. Менга шундай туюлади. Биз худди барча хотираларидан маҳрум кема ҳалокатидан жабр кўрганлармиз. Ҳеч нарсадан ўкинмаймиз.

Елена кулди.

– Киммиз унда? Фирибгарми, мурдами, арвоҳми?

– Қонун нуқтаи назарида сайёҳмиз. Бу ерда яшашга рухсат бор-у, лекин ишлашга ҳаққимиз йўқ.

– Жуда соз. Ишламаймиз. Авлиё Людовик¹ оролига борамиз, ўриндикқа ўтирволиб соатлаб қуёшда тобланамиз, кейин эса «Франс» қахвахонасига бориб, ташқаридаги столда тушлик қиламиз. Қалай? Чакқимасми?

– Ажойиб.

Биз шунга келишдик. Иш қидирмадим. Тонгдан-тонгача бирга эдик, ҳафталарча бир-биримиздан ажралмасдик. Рўзномаларнинг маҳсус сонларига, ваҳимали хабарларга, фавқулотда кенгашларга тўлиб тошган вақт бир чеккада шовқин-сурон соларди. Аммо биз вақтни сезмасдик. Биз замондан ташқарида яшардик. Барчаси хис-туйғуларга фарқ бўлган жойда вақтга ўрин қолмайди.

Бундай кайфиятдаги суҳбатларни жиним суймайди. Менжуда кўп эси пастларни учратганман. Улар бадарғаликда ёмғирдан кейинги қўзикориндек бодраб кетишган.

¹ Авлиё Людовик ороли — Франциянинг Сена дарёсидаги орол.

– Йўқ, мен ўз жонимга қасд қилмоқчимасман, — деди Шварц ва мен нима демоқчилигимга фаҳми етгандай жилмайиб кўйди. — Боз устига бошқа мақсадлар учун ҳозир жоним ўзимга керак. Шунчаки мен Иосиф Шварц сифатида ўламан. Субҳи содиқда хайрлашганимиздан сўнг Иосиф Шварц нафас олишдан тўхтайтиди.

Баногоҳ менда ёввойи умид лов этди.

– Нима қилмоқчисиз?

– Ғойиб бўлмоқчиман.

– Иосиф Шварц сифатидами?

– Ҳа.

– Шаҳс сифатидами?

– Иосиф Шварц сифатида ким бўлсам, ўша сифатида. Ҳатто илгари ким бўлган бўлсам, ўшанинг сифатида ҳам бадар кетмоқчиман.

– Паспортигизни нима қилмоқчисиз?

– У менга ортиқ керак эмас.

– Сизда бошқаси борми?

Шварц бош чайқади.

– Менга ҳеч қанақангиси керак эмас.

– Бунисида Америка визаси борми?

– Ҳа.

– Балки менга сотарсиз? — деб сўрадим, гарчи менда муллажиринг бўлмаса-да.

Шварц тагин бош чайқади.

– Нечук?

– Мен уни сотолмайман. Менга уни совға қилишган. У сизга асқотиши мумкинми?

– Ё Раббий! Асқотиши ҳам гапми?! У жонимни сақлаб қолади! Ўзимнинг паспортимда Америка визаси йўқ. Эртага пешингача визани қай гўрдан топаман, бошим қотган.

Шварц ҳазин кулиб кўйди.

– Барчаси такрорланишини қаранг! Сиз менга жон бераётган Шварцнинг хужрасида ўтириб, мени қайтадан одам қаторига қўшиши мумкин бўлган паспортни ўйлаётган дамларимни ёдимга солдингиз. Яхши, ўзимникини сизга бераман. Фақат фотосуратни ўзгартирсангиз бўлди. Ёшимиз, менимча, тўғри келса керак.

– Ўттиз бешдаман.

– Нимаям дердим, бир ёшга улғаяркансиз. Бу ўртада паспортга ақли етадиган бирорта устаси фарангни билмайсизми?

– Танийман. Фотосуратни алмаштириш кўп хам қийин иш эмас.

Шварцнинг паспортни бериш ҳақидаги ваъдаси мени шунчалик тўлқинлантирдик, унинг нима деяётганини хам эшитмадим. Мен Рутга қандай қилиб виза олишни ўйлардим. Балки Рутни элчихонада синглим деб таништирарман? Бунинг нафи тегиши даргумон, Америка элчихоналарида тартиб қаттиқ. Чикмаган жондан умид, барибир, уриниб кўриш керак. Яна бирор мўъжиза рўй бериб қолса кошқийди.

Шу алпозда яна Шварцнинг овозини эшитдим.

– ...Иттифоқо кулбаи вайронамиз эшиги қаршисида унинг турқи пайдо бўлди; орадан бир ярим ой ўтиб кетган бўлса-да, бизни топиб келганди. Бу сафар содиқ гумашталарини жўнатмасдан томдан тараша тушгандай шахсан ўзлари келганди. Энди «жаноби олийлари» гулқоғозлар ёпиштирилган, ўн саккизинчи аср

услубидаги хушчақчақ кайфиятни акс эттирувчи сувратлар илинган хужрамиз ўртасида қаққайиб турардилар — Георг Юргенс, обер-штурмбанн-фюрер, Еленанинг «жонажон» акаси, дароз, яғриндор, икки юз фунтли бир қоп гўшт. У оддий кийимда эди, бироқ ундан немисча кибр-хаво Оснабрюкдаги учрашувдан кўра юз хисса кўпроқ анкиб турарди.

– Демак, ҳаммаси ёлғон, — деди у. — Ўзим хам айтдим, нега бу ердан бадбўй хид келяпти, деб.

– Бунинг ажабланарли жойи йўқ, — деб «туз»ладим. — Сиз қаерда бўлсангиз, ўша ер сасий бошлайди.

Елена пиқ этиб кулиб юборди.

– Бас қил! — деб бўқирди Георг.

– Яхшиси, сиз бас қилинг, — дедим. — Йўкса, сизни эшик ортига улоқтиришларини буюраман.

– Нега ўзингиз мени улоқтира қолмайсиз?

Мен бошимни сарак-сарак қилдим.

– Сиз мандан қирқ фунтга вазминсиз. Бирорта хам рефери икковимизни рингда жангга қўймаган бўларди. Нима керак сизга бу ерда?

– Ишингиз бўлмасин, сиз, ганда, хоин, даф бўлинг бу ердан! Мен синглим билан гаплашмоқчиман.

– Бир қадам хам жойингдан жилма! — деди тезгина Елена менга. Унинг кўзлари ғазабдан ёнарди. У аста ўрнидан турди-да, қўлига мрамар кулдонни олди. — Яна шу охангда яна бир оғиз сўз айтсанг, мана бу матоҳ билан башарангга тушираман.

Дағдағали сўзларни Елена пинагини бузмасдан айтди.

– Сен Германияда эмассан, – кўшимча қилди Елена.

– Афсуски, хозирча шундай, лекин шошмай турларинг – тез орада бу ер ҳам Германияга айланади.

– Йўқ, бу ер ҳеч қачон Германия бўлмайди, – деди Елена. – Эҳтимол, битлиқи аскарларингиз вақтинчалик истило этишар, аммо бу ер барибир Франциялигича қолади. Шу саволни музокара қилгани келдингми?

– Мен сени уйга олиб кетиш учун келдим. Уруш бошланиб қолса, биласанми, сенга нима бўлади?

– Биладан.

– Сени турмага тиқишади.

Елена бир сонияга ўзини йўқотиб қўйди.

– Балки бизни концлагерга тиқишар ҳам, аммо бу тинчликсевар аҳолига мўлжалланган лагер бўлади, Германиядаги концлагер эмас, – дедим.

– Бу тўғрисида нимани ҳам билардингиз? – хириллади Георг.

– Анча-мунчасини биладан. Сизнинг шарофатингиз билан концлагерингиздан бирида бўлиш насиб этган.

– Сиз, жирканчли чувалчанг, қайта тарбияловчи лагерда бўлгансиз, холос, – деди нафратини сочиб Георг. – Лекин бу сизга қор қилмабди. Сизни қўйиб юборишлари биланок дезертирлик қилибсиз.

– Гапниям қойиллатасиз-да, – мазхараомуз тиржайдим. – Кимда-ким қўлингиздан балиқдек сирғалиб чиқиб кетса, демак, у қочок хисобланавераркан-да?!.

– Сизга Германиядан ташқарига чиқмаслик буюрилганди!

– Георг хар доим овсар бўлган, – деди Елена. – Мушакдор эси паст. Бақалоқ хотинга қорсет керак бўлгани каби унга зирҳли дунёқараш етишмайди. Йўқса, у хамирдай ёйилиб кетаверади. Бахслашма у билан. Заифлигини сезса, қутура бошлайди.

– Бунни қўя турайлик, – деди Георг мен кутганимдан кўра сулҳпарварлик билан. – Нарсаларингни йиғиштир, Элен. Бугун кечкурун жўнаб кетамиз. Ишлар пачава.

– Нимаси билан пачава экан?

– Уруш бўлади. Акс ҳолда келиб ўтирмасдим.

– Йўқ, сен, барибир, келардинг, – деб эътироз билдирди Елена. – Сендайин бир фашист партияси фидокорининг синглиси Германияда яшашни истамаётгани учун ўзингни қўярга жой тополмаяпсан. Икки йил олдин Швейцариядан қайтишга мажбур қилгандинг. Лекин энди шу ерда қоламан.

Георг Еленага нафрат билан қаради.

– Ҳаммаси шу ночору нотовон пасткашни дебми? У яна сени йўлдан урдими?

Елена кулди.

– «Пасткаш»! Анчадан буён бу сўзларни эшитмагандим... Ҳақиқатдан ҳам лугат бойлигинг алмисокдан қолган экан. Йўқ, эрим мени

йўлдан урмади. Аксинча, ўша ёқда қолишим учун ҳамма тадбирни қилди. Унинг асослари сеникидан ишончлироқ эди.

- Сен билан холи гаплашмоқчиман.
- Бу сенга ёрдам бермайди.
- Нима бўлса ҳам ака-сингилмиз.
- Бошимда эрим бор, у мухимроқ.
- Бу қондошлик риштаси эмас. Мени ҳатто ўтиришга ҳам таклиф қилмадинг, – деди Георг бирдан болаларча ранж ила. – Нақ Оснабрюкдан овора бўлиб келсам-у, тикка туриб гаплашишга мажбур қилишса, бу нима деган гап?!

Елена ўзини кулгудан тўхтатолмади.

– Бу менинг хонам эмас, унга эрим ҳақ тўлайди.

– Марҳамат қилиб ўтирсинлар, обер-штурмбаннфюрер, Гитлернинг югурдаги, – дедим. – Ва тезроқ туёфингизни шиқиллатинг.

Георг менга хусумат билан қараб қўйди ва эски диванга кетини қўйди. Диван шиқоят қилгандай гирчиллаб кетди.

– Мен туғишган синглим билан танҳо гаплашишни истаётганимга ошқовофингизнинг фаросати етмаяптими?

– Сиз ўзингиз қўлимга кишан урганингизда Елена билан гувоҳларсиз гаплашгани қўйдингизми?

– Бу бошқа масала, – деб вайсади Георг.

– Георг ва унинг суюкли «партайгеноссе»ларида ҳамиша ҳаммаси бошқача, – деди захархандалик билан Елена.

Ўрнимдан қўзғалдим. Бу тўнканинг олдида Еленанинг ёрилганига жим қараб туролмасдим.

– Ҳаммасига манави айбдор! – деб хириллади Георг. – Ланати космополит! У сени расво қилди. Шошмай тур, тирранча, сен билан хали хисоблашамиз!

Георг ўрнидан турди. У мени уриб, калтаклаб ташлаши ҳеч гап эмасди. У мендан анча кучли эди, устига-устак, ўнг қўлимнинг тирсаги оғриқ билан букиларди – концлагердаги «тарбиявий соатдан» эсдалик.

– Унга қўл теккиза кўрма, – деди Елена.

– Қуёноракни ҳимоя қиляпсанми? Нима, ўзини ўзи ҳимоя қилолмайдами!

Шварц менга тикилиб, синик жилмайди.

– Кейин нима бўлди? Иш муштлашишгача бордими? – деб сўрадим.

– Йўк. Елена бирдан кула бошлади.

– Манави ахлоқни қара! – деди Елена менга. – Агар у сенинг абжафингни чиқарса, мени чандон сенинг эркаклик фазилатларингдан кўнглим совиб, шу заҳотиёқ тавбамга таяниб, биргина муштумзўрлик билан бошқариладиган давлатга боради, деб ўйлаётган бўлса, сира ажабланмайман.

Елена Георгга ўтирилди.

– Мардлик ёки юраксизлик ҳақида гапиришни сенга ким қўйибди! У, – Елена мени қўли билан бигиз қилиб кўрсатди, – шунчалик довюралки, сен буни тасаввур қилолмайсан. У мени олиб кетиш учун ўша ёққа юраги бутунлик қилиб борганини қаёқданам билардинг?

– Нима, нима? – кўзларини дўлайтирди менга Георг. – Германияга-я?

Елена ўзини кўлга олди.

– Нима фарқи бор? Мен шу ердан ва ортга қайтиш ниятим йўқ.

– Олиб кетиш учун? – Георг ўзини босиб туролмади. – Ким унга ёрдам берибди?

– Ҳеч ким, – деди Елена. – Сен, шубҳасиз, ўша ёқда бу қилмиш учун кимни ҳибсга олишни чамалаётгандирсан?

Мен Эленни сира бундай ҳолатда кўрмагандим. Ундан норозилик, нафрат ёғилар, вужуди шодликдан титрарди. Тўсатдан ўч олиш ҳисси миямда чакмоқдек ярқ этди. Ахир, Георг бу ерда ожиз! У бир хуштак билан гестапони қақиролмайди. У бу ерда танҳо.

Бу фикр мени шу қадар гулгулага солдики, кейинги сонияда нимага ботинишни билолмай қолдим. Муштлашишга чоғим келмайди, истамайман ҳам. Шунчаки махлукни йўқ қилиш истагида қуйиб-ёнардим. Ёвузлик илдизига барҳам берилаётганда ҳеч қанақанги ҳукмнома талаб қилинмайди. Ҳукмнома Георгга ҳам керак эмас. Георгни йўқ қилиш – наинки интиқомни рўёбга чиқариш, балки бўлғусида ўнлаб нота ниш қурбонларни золимнинг қонли қиличидан қутқариб қолиш демакдир. Мен ўрнимдан туриб туш кўраётгандай эшикка йўналдим. Ажабо, тентирамасдан юриб кетдим. Ҳаммасини яхшилаб ўйлаб кўриш учун ёлғиз қолишни истардим.

Елена зийрак кўзлари билан менга қаради ва чурқ этмади. Георг нафратомуз нигоҳи билан мени кузатиб қўйди ва қайтиб жойига ўтирди.

Зинапоялардан пастга тушдим. Кимдир туш-ки овқат тайёрлапти, шекилли, ҳамма ёқни ковурилган балиқнинг димоқни китиклайдиган иси тутиб кетганди. Иккинчи қаватда очик турган эшикдан ўзимни ичкарига урдим. Хона оч яшил рангга бўялган экан. Деразалар ланг очик. Оқсоч кўрпа-ёстиқни қаппайтириб қўйибди.

Пастки қаватга тушдим. Биринчи қаватда бир танишимнинг хонасини тақиллатдим. Уни Фишер дейишарди. Бир пайтлар у менга револьверини кўрсатганди. Бу матоҳ билан яшаш осонроқ, деган хулосада эди у. Модомики, имкон ва хоҳиш-истак бор экан, қурол унга озодликнинг ғайриоддий хомхаёлларини инъом этарди. Танлаш ҳуқуқи унинг измида эди: истаса, бас, ҳаёт риштаси ўша ондаёқ узилади.

Фишер йўқ экан, эшик эса кулфлог эмасди. Фишернинг яширадиган бойлиги йўқ эди. Мен кўзлаган ниятларимни тузукроқ англаб етмагандим, лекин кейин револьвер сўраб келганимни тушундим. Георгни мехмонхонада отиб ўлдириш, сўзсиз, мумкин эмасди. Бу Еленага, менга ва шу ердаги ижарагир муҳожирларга зарар келтириши ойдаёқ равшан. Стулга ўтириб, тинчланишга ҳаракат қилдим.

Хонада бирдан канарейка сайраб юборди. Қушча деразалар ўртасига илиб қўйилган сим қафасда экан. Аввалбошда уни пайқамабман. Сайроқи қушнинг навосидан чўчиб тушдим. Шуларнинг кетидан Елена кириб келди.

– Бу ерда нима қиляпсан?

– Ҳеч нима. Георг қани?

– Кетди.

Бу хонада қанча ўтирганимни билмайман. Менимча, узоқ ўтирмадим.

– Яна келарканми?

– Билмасам. Фикридан қайтмайдиган кўринади. Нега чиқиб кетдинг? Бизни ёлғиз қолдириш учунми?

– Йўқ. Башарасини ортиқ кўргим келмай қолди.

Елена эшик кесакисига суяниб, менга қараб турарди.

– Сен мени ёмон кўрасанми?

– Ёмон кўраман? Сени-я? – Ҳайратдан ёкамни ушладим. – Нега?

– Георг кетганда шу фикр миямга уриб қолди. Агар менга уйланмаганимда шу савдолар бошингга тушмасди.

– Бундан ҳам баттар бўлиши мумкин эди. Георг, яхшиямки, сенга шафқат қиляпти. Мени электр стулга ўтиргизишгани ёки молдай қайрилма қозикқа осиб қўйишганича йўқ. Нечун сендан нафратланишим керак экан? Бундай ўйлашга қандай ҳаддинг сизди?

Мен ўзимга келиб, яна ёзнинг дераза орти манзараларидан завқлана бошладим, ич-ичимдан хис этардимки, ҳайтовур, Парижда одамларни итдек отиб ташлашмаяпти.

– Тўғриси, мени ёмон кўриб кетди, деб мен ўйлашим керак эди, – дедим. – Акангнинг хираликларидан сени химоя қилолмадим. Чунки мен...

Мен жимиб қолдим. Ҳозир бўлиб ўтган кўргиликлар ақлга тўғри келмайдиган даражада узоқ ўтмишга айланди.

– Бу ерда нима қилиб турибмиз? – дедим. Юқорига кўтарилдик.

– Георгнинг гаплари ҳақиқат, – дедим. – Сен буни билишинг лозим. Агар уруш бошланса, душман мамлакатнинг фуқароси бўлиб қоламиз.

Елена дераза ва эшикни очиб ташлади.

– Хонага аскар этиги ва фашист террорининг¹ кўланса хиди ўтириб қолибди, – деди Елена. – Ичкарига ҳам августнинг таровати кирсин. Ойналарни катта очиб кетамиз. Тушлик вақти бўлди, наздимда.

– Ҳа. Ундан ташқари Париждан жўнаб қолиш фурсати етди.

– Нега?

– Георг бизни фoш қилишга уринади.

– У унчалик ҳам ақлли эмас. У ҳатто сенинг бу ерда бегона исм билан яшаётганингни ҳам билмайди.

– Эртами-кечми бунинг тагига етади ва қайтиб келади.

– У ҳолда мен уни хонадан ҳайдаб соламан. Кетдик.

Биз Адолат саройи ортидаги кичик ресторанга бордик ва йўлкадаги столда бўккунимизча тановул қилдик. Биз паштет, хил-хил пишган мол гўшти, салат, пишлокни паккос туширдик.

¹ *Террор* – сиёсий душманларни жазолаш, йўқ қилиш, кириш.

Бир шиша вувре¹ ва қаҳва ичдик. Ўша кунги барча нарсалар, ҳатто ноннинг тилларанг че-тию дарз кетган финжон ҳам кечагидек ёдимда. Шу кун чошгоҳда чуқур, сирли шукроналикдан бўлак барчаси унут бўлганди.

Кейин биз Париж кўчалари бўйлаб сайр қилдик. Теварак-жавониб кечги куёш нурларидан мисранг тусга кирганди. Биз кичикрок ателье пешойнаси қаршисида ушланиб қолдик.

– Сенга янги кўйлак сотиб олиш керак, – дедим.

– Ҳозир шу шартми? Нақ уруш арафасида-я? Бу бемаънилик.

– Ҳа, айнан ҳозир. Ва айни кезде бу бемаъ-нилик эмаслиги учун.

Елена менга бўса ҳадя этди.

– Яхши!

Мен кийимхона тўғрисидаги юмшоқ курсига ўтирдим. Сотувчи аёл турфа кўйлақларни олиб келди. Тез орада Елена кўйлақ танлашга шун-чалик берилиб кетдики, қарийб мени эсидан чиқарди. Мен хотинларнинг гангур-гунгурини эшитиб ўтирдим. У ёқдан-бу ёққа юраётган-лари аниқ эшитиларди. Очиқ турган эшикдан кўйлақларнинг ялтир-юлтурини, Еленанинг ку-ёшда қорайган елкаларини кўрдим. Шу тобда мени ширин ҳорғинлик чулғади.

Ўзимни андак хижолат сезиб, не сабабдан Еленага кўйлақ сотиб олиб беришни истаб қолганимни яхши тушуниб турардим. Бу ўша

¹ Вувре — вино нави.

кунги кўнгилсизликларга, Георгга, ожизлигимга қарши исён эди.

Кўзимни очиб қаршимда кенг гулдор юпка ва баданига чиппа ёпишган қора калта свитер-даги Еленани кўрдим.

– Худди кўнглимдагидек! – дедим. – Шу-нисини оламин.

– Бу жуда қиммат, – деди Елена.

Ателье бекаси бу номдор модалар уйининг сўнги фасони эканини ишонтиришга уришиб, махсудотини ўтказишга тушди. Биз жуда яхши билиб турардикки, бу бор-йўғи чиройли ёлғон, бироқ ўйлаб ўтирмай харид қилишга яқдиллик билан рози бўлдик.

Кечкурун Елена янги либосларини кийиб, дераза рафига суянганча ой нурига чўмган шаҳарни томоша қилди. Биз бир-биримиздан ажрай олмасдик, бир-биримизнинг висолимизга тўймасдик, ухлагани вақтимизни қизғанардик, чунки қалбан ҳис этардикки, фурсат ганимат.

XI

Шварц бошини кўтарди. Унинг юзи из-тиробдан бужмайиб кетганди. У жилмайиш-га уринди-ю, лекин бу кўпроқ йиғламсирашга ўхшаб кетди.

– Парижда қолдингларми?

– Георг яна келди, – деди Шварц. – Дағдаға қилиб жиғибийронимни чиқарди. Мен хонада эмасдим. Мен уни меҳмонхонадан чиқиб кета-ётганида учратдим.